

**Ҳ. БЕКТЕМИРОВ**

**ЁДИМДА АСРАЛГАН  
ЭСДАЛИКЛАРИМ**

ТОШКЕНТ 2002

ҲАБИБУЛЛА БЕКТЕМИРОВ

# ЁДИМДА АСРАЛГАН ЭСДАЛИКЛАРИМ

Шоғирдин Қусан -  
шонза озолик -  
Сайрағулик  
Тиллаб


Ҳ.Бердиев

29.05.1925

Ушбу китобга эътибор билан,  
ун йилдан сунг нурме узини  
Кўрдн. Оқсвр. 20125.

ТОШКЕНТ  
2002

33916



Қўлингиздаги эсдаликларда ўз фаолиятини ўқитувчиликдан бошлаган, узоқ йиллар наприётчи бўлиб ишлаган, кейинчалик тилшунослик, атамашунослик билан шуғулланган кишининг кўрган-кечирганлари, қувончу ташвишлари орқали давр ҳаёти, ундаги мураккабликлар, курашлар кўрсатиб берилган. Кўпгина лавҳаларда Истиқлолимиз шарофати билан мамлакатимизда рўй бераётган улкан ўзгаришлар, янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари акс этган.

Муаллиф мазкур китобча нашрини ташкил этганлиги учун Гулбой Алматовга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдиради.

## МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

1934 йил 29 майда Бахмал туманидаги Жарбулоқ қишлоғида туғилган. 1952 йилда ўрта мактабни битириб, 1952–53 ўқув йилида ўзи ўқиган мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1953–58 йилларда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) нинг филология факультетида таҳсил олиб, уни имтиёзли диплом билан тугатган. 1958–60 йилларда Галлаорол туманидаги 64-ўрта мактаб (яна ўзи ўқиган мактаб)да она тили ва адабиёт ўқитувчиси, илмий бўлим мудирини бўлган. 1960 йилда Тошкентга келиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Фан» нашриётида муҳаррир, катта муҳаррир, таҳририят мудирини, бош муҳаррир ўринбосарини ва директор бўлиб 1986 йилгача ишлаган. 1986–90 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим, 1990 йил бошидан ҳозирга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика атамашунослик қўмитаси раисининг ўринбосарини лавозимида ишлаб келмоқда. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанларини номзоди. Тилшуносликнинг долзарб масалаларига оид ўнлаб мақолалар эълон қилган, китобчалар чиқарган, лугатчилик ишларини билан шуғулланган. Унинг «Русча-ўзбекча юридик атамалар лугати» ҳозирги кунда шу соҳада энг мукаммал лугатлардан бири ҳисобланади. Шунингдек, у машҳур академиклар Иброҳим Мўминов, Раҳим Бекжоновлар ҳақида ўз хотираларини ёзиб, журнал ва гезеталарда эълон қилган.

## БОЛАЛИК КУНЛАРИМДА

**Б**ахмал туманини кўрган ё эшитганмисиз? У Ўзбекистоннинг энг гўзал гўшаларидан бири. Бу туманнинг тўрт фасли ҳам жуда сулув, жуда гаштли. Айниқса баҳорини айтмайсизми. Туманни Тожикистондан чегаралаб турадиган Туркистон тизма тоғлари бошига оппоқ қалпоқ кийгандай қор билан қопланиб туради, водийлари эса кўм-кўк, эртақлардагидек ажиб бир манзара ҳосил қиладики, қараб кўзингиз тўймайди. Ана шу она юрт табиатидан завқланасиз, тўйиб-тўйиб нафас оласиз. Бу гўзалликка Бахмалда яшаб истиқомат қилаётган одамлар унчалик эътибор беришмайди, чунки улар шу табиат билан кечаю кундуз ошна, унинг бағрида яшайди, қир-адирдариди меҳнат қилиб тирикчилик ўткази ва, бинобарин, шу табиатга ўрганиб кетган. Улар наздида бу чирой, бу табиат оддий кўникмага айланган. Бу юртга биринчи келган одамни Ойқор тоғнинг ҳайбати, тоғлардан шарқираб оқиб келаётган сувлари, шифобахш булоқлари, тепаликларидидаги арчазорларнинг бутун сойга таралиб турадиган хушбўй ҳидлари, одамларининг самимийлиги, соддалиги, меҳмондўстлиги ҳайратга солмай қолмайди.

Бахмал тумани жуда кўп қишлоқлардан таркиб топган. Деярли барча қишлоқлар аҳли тоғдан тушиб келаётган сувлар ва булоқ суви билан экин-тикин қилади. Ана шундай қишлоқлардан бири Жарбулоқ дейилади. Бу қишлоқ атрофи қир-адирлар билан ўралган, ўртасидан сой оқиб ўтади. Жарбулоққа ёндош Ўрта қишлоқ, Тўба,

Солин, Майдабой, Баймоқли, Кўрбулоқ қишлоқлари бўлиб, улар ҳаммаси бир уруғ – уяс уруғига мансубдир. Шунинг учун ҳам бу қишлоқларнинг ҳаммасини бир ном билан – Жарбулоқ уяс дейишади. Мен туғилган ва ёшлигим ўтган қишлоқ Жарбулоқдир. Менинг барча қариндош-уруғларим шу қишлоқда. Аждодларим ҳам шу қишлоқда ҳаёт кечирганлар. Ота-онамнинг айтганларига қараганда, мен 30-йилларнинг биринчи ярмида ўта қийин даврда, эрта баҳорнинг совуқ кунларида туғилган эканман. У даврларда қишлоқларда янги туғилганларга метрика бериш у ёқда турсин, ҳатто бирор жойда рўйхатга ҳам олинмаган. Шу тариқа йиллар ўтди. Кейинчалик отам томонидан эски қўлёзмалардан бирининг ҳошиясига мен туғилган сана битиб қўйилган китоб топилиб, туғилган куним аниқ бўлди – 1934 йил 28 март.

Ўша вақтлари қишлоғимиз одамлари баҳор ойларида узумзор, боғларига кўчиб чиқар ва кузгача ўша токзорларида чайла қуриб ёки муваққат уй қуриб экин-тикинларини, узум ва майизларини йиғиштириб яна қишки ҳовлиларига тушар эди. Бизнинг узумзоримиз ва томорқамиз қишлоқнинг энг тепасида бўлар, қишлоққа тараладиган ариқ боғимиз ичидан ўтар, иккинчи томондан эса катта сой оқар эди. Боғимиз олдин қишлоқнинг Камар деган жойида бўлган. Одамларнинг Камардаги барча боғ-роғлари «қўтир бўлгач» (одамлар «хутор»ни шундай дейишарди), улар қишлоқ ўртасидан ўтадиган сойнинг чап тарафига ўтказилган. Кейинчалик олий ўқув юртида ўқиб юрган кезларимда компартиянинг Россияда хуторларни посёлка типига ўтказиш ҳақидаги қарори асосида бизнинг қишлоқдаги боғзорлар ҳам хуторга тенглаштирилиб, улардан одамларнинг фойдаланиши бекор қилинганлигини тушундим. Натижада Камардаги ҳамма боғ ва узумзорлар колхоз мулкига ўтиб кетган. Шунинг учун одамлар бу ерларни киноя аралаш «қўтир бўлди» (хуторнинг бузилган шакли) деб айтиб юришган.



1941 йили мактаб ёшига етдим. Ўша йили ёзида уруш бошланибди деган хабар тарқалди. Мен мактабга бормайман деб тихирлик қилганимда, онам раҳматли қўлимдан отаклаб мактабга олиб борган. Мактаб юқорида айтган Ўрта қишлоқда эди. У мулло Шерназар деган одамнинг уйида 2 та синф хонаси бўлган бошланғич мактаб эди. Бахмал ҳудудида у вақтда умуман ўрта мактаб бўлмаган. Фақат нисбатан каттароқ Ўснат қишлоғида тўлиқсиз ўрта мактаб (Тўм дейишарди) бўлган, холос. Муаллимимиз мулло Парда деган кексагина киши эди. Иккинчи-учинчи синфда эса урушдан бир кўзидан ажралиб ногирон бўлиб қайтган Тоштемир ака ўқитган. Кўп ўтмай очарчилик бошланди. Уруш вақтлари ҳар бир оилада мактабдан ҳам муҳим масала бор эди. У ҳам бўлса, ўз сигирбузоқларини, қўй-эчкиларини ўзи боқиш. Одамлар ўз молларини ҳеч кимга ишонмас, шунинг учун қишлоқ болалари 10–15 та бўлиб молларимизни яйловларга олиб чиқиб (итларимиз ҳам биз билан бирга бўлар) боқар эдик. Пода боқувчилар асосан болалар эди. Бироқ қишлоқнинг Ўрол ака деган подачиси бўларди ва у бизга бошчилик қиларди. Нима учундир бу кишини катталар Ўрол наша дер эди. Ўрол ака умр бўйи пода боқди, на уй, на оила, на хотин, на фарзанд бор эди у кишида. Дунёдан тоқ, зурриётсиз ўтиб кетди (худо раҳмат қилсин).

Мактабга ўқувчилар ҳам келмай қўйди. Шунинг учун бўлса керак, мактабга келган ўқувчиларга бир бурдадан қора нон берадиган бўлишди. Учинчи синфни тутатиб, тўртинчи синфга ўтдим...

Болалигимизда қишлоқда тўй ёки худойи каби маъракалар бўлганда болаларга ҳам эътибор қилинар, уларни алоҳида ўтқазиб ош-овқат билан сийлашарди. Бундай тадбирларда сартарош ҳам, бошқа хунарли кишилар ҳам ўз асбоби билан келишиб, у ерда одамларнинг ҳожатини чиқарарди. Қишлоғимиздаги Қурбонбой ака хонадонида тўй бўлгани эсимда. Ҳовлида Бийгилдарбоз деган сарта-

рош сочини олиш учун совуқ сувда бир кишининг бо-  
шини ийламоқда, Камол махсум дегани бир кишининг  
оғриган тишини суғуришга чоғланмоқда. Тўйга келган бо-  
лалар эса томошабин. Камол махсум ҳалиги кексароқ ки-  
шини ерга ўтқазиб, ўзи бир оз энгашган ҳолда унинг бо-  
шини икки тиззаси орасига олди, ё бисмиллоҳ деб тиши-  
ни омбурда суғурди. У киши ўзидан кетди, тўй нақ азага  
айланаёзди. Сув сепишиб базўр ўзига келтиришди.

Қишлоғимиз Ўсмаатга яқин, ораси бир-бир ярим  
чақирим келарди. Ҳафтада бир марта бўладиган бо-  
вор ҳам шу ҳудудда жойлашган эди. Уруш айни авжи-  
га чиққан йилда Ўсмаатда туман тузилармиш деган гап  
тарқалиб қолди. Чунки ҳозирги Бахмал тумани ҳудуди  
ўша вақтда Галлаорол туманига қарар эди. Туман тузи-  
лиши ҳақидаги гап ҳақиқатга айланди. 1943 йил 8 май-  
да туман тузилди. Унинг маркази қилиб Ўсмаат қишлоғи  
белгиланди. Кунларнинг бирида отам мулло Бектемир Ис-  
моиловни (худо раҳмат қилсин) туман банкига ишга так-  
лиф қилишди. Отам саводни араб алифбосида чиқарган.  
Кейин бир оз муддат Хўжандда таҳсил олган. 20–30 йил-  
ларда савдо ширкатларида ишлаган. Лотинчани яхши ўз-  
лаштирган. Савдо ишлари билан турли шаҳарларда тез-  
тез бўлиб турган. Шу туфайли русчани ҳам унча-мунча  
билган.

Кирилл алифбосини ҳам ўрганиб, унда ҳам ёза олган-  
лиги учун ҳам отамни банкка ишга олишган бўлса керак.  
Чунки банк ташкил этилгач, унинг ходимлари вилоят  
(Самарқанд)дан юборилган бўлиб, деярли ҳаммаси русий-  
забон кишилар (банк мудирини Зисман, бухгалтерини Гор-  
штейн ва ҳоказо) эди. Пенсияга чиққунларига қадар шу  
жойда ишладилар. Урушдан кейинги йилларда банк-мо-  
лия соҳасида туманимиздан ҳам кадрлар етишиб чиқди.  
Улардан дастлабкиси Чориёр Пардаев эди. Бу киши ўта  
камтар, ишини яхши билган инсон эди. Умрининг охири-  
гача банк бошқарувчиси бўлиб ишлади.



Ўсмаатда банк биносининг ёнида бир чойхона бўларди, у ерда отамнинг қадрдон дўсти мулла Эшбой бобо чойхоначилик қиларди. Мен ҳам отам баҳона марказга тез-тез келардим. Эшбой бобога қарашардим, чойхўрларга чой таширдим. Ўша вақтлари ҳали туман учун тайёр иморатлар йўқлиги туфайли кўпгина мажлислар ўша мулла бобо чойхонасида ўтарди. Биринчи радиоузел ҳам дастлаб шу чойхонада иш бошлаган, унинг катта пақирсимон карнайи чойхона олдидаги симёғоч учига ўрнатилган эди. Одамлар эса ана шу карнайдан уруш хабарларини, мамлакат хабарларини эшитишар эди.

Туман тузилгач, Ўсмаатда турли идоралар учун иморатлар қурилди, турар жойлар барпо этилди. Клуб қурилиши эса туман ёшлари учун катта воқеа бўлди. Бу клубда асосан кино қўйиларди. Олдинлари мени тоғаларим колхозимиз идорасида қўйилган киноларга олиб боришган. Бу ерда «Қасам», «Азамат» (ё кинонинг бош қаҳрамоними) каби овозсиз киноларни кўрган эдим. Кишилар навбатманавбат қандайдир асбобни қўл билан айлантлар, ундан энергия ҳосил бўлиб, тасвир девордаги оқ сурпга туширилар, пастида ёзувлар бўларди, одамлар ўша ёзувларни ўқиб унинг мазмунини билишарди. Клубда эса овозли, жонли кино. Бу кино тариллаб турадиган махсус моторча билан ишлатиларди. Биз Жарбулоқдан кўпчилик бўлиб Ўсмаатга кино кўриш учун келардик. Кинонинг қўйилишини узоқдан билардик. Чунки кино бўлса, пластинка қўйиларди. Пластинка фақат русча, деярли ҳар куни «Три танкиста, три весёлых друга», «Помирать нам рановато» каби ашулалар айтилиши эсимда қолган, асосан уруш ҳақидаги фильмлар бўларди. Урушдан кейин ўзбекча фильмлардан «Тоҳир ва Зухра», «Насриддин Афанди»ларни кўрганмиз. Бахмалдаги бу клуб биноси яқин-яқинларда ҳам бор эди.

Отам касбдошлари маслаҳатига кўра мени Ўсмаатдаги мактабда очилган рус синфига ўқишга берди. Қишлоғим

мактабида тўртинчи синфга ўтган кезимда 1944 йил сентябридан туман марказидаги мактабда очилган рус гуруҳининг 1-синфидан ўқишни бошладим. Ўқитувчимиз Софья Самойловна Лойтерштейн эди. Бу туманимизга ёл уруш вақtlари келган, ҳарбийча кийиниб юрарди. У узок вақт мактабимизда ишлади, пенсияга чиққач, кўчиб кетди. Русчанинг ҳам 3 синфини битирдим. Рус синфида болалар оз бўлгани ва ўқитувчилар етишмаслиги сабабли 7-синфгача ўқитилиши маълум бўлиб қолди. Ўқишни хоҳлаганлар эса тўла рус синфлари бўлган бошқа туманларда ўқишни давом эттирадиган бўлишди. Шундан кейин мен яна ўзбекчада 6-синфдан ўқишни бошладим. Бу сана 1947 йил сентябрь эди. Шундай қилиб мен 4–5-синфларда умуман ўқимадим. Лекин, шундай бўлса-да, мактабда синф дастурларини тезда ўзлаштириб олдим, фақат алгебрадан анча қийналдим. 8-синфга ўтгач, аълочилар қаторидан ўрин олдим. Ёшлигимда ўзбек халқ достонларини кўп ўқиганман, «Ширин билан Шакар», «Нурали», «Авазхон» ва бошқалар. Бадиий адабиётдан биринчи ўқиган китобим «Қутлуғ қон» эди. Жуда ҳам таъсирланганман. Мактабимиз кутубхоначиси Марям деган татар қиз бўларди. У юқори синфда ўқиш билан бирга, кичкинагина кутубхонамизда ҳам ишларди. У қиз ўқиган ҳар бир китобимизнинг мазмунини сўраб, кейин бизга бошқасини берарди. Ўқиган китобим мазмунини сўзлаб беришим ёқди шекилли, менга тез-тез ки-



*Ўқувчилик йилларим. Биринчи қаторда: Ҳ. Бектемиров, мактаб директори Ж. Ҳожиматов, Э. Холиқулов. 1950 йил.*

тоб берадиган бўлди. Ҳатто хориж ёзувчилари асарларини ҳам бера бошлади. «Робинзон Крузо»ни ҳам ўша даврда ўқиганман. Марям она жуда чиройли қиз эди, унинг қиёфаси ҳануз кўз олдимда туради.

Мактабимиз ўша вақтларда Усмон Юсупов номида эди. Мактаб биноси типовой мактаб тарзида қурилган, синф хоналари кенг, ёруғ, баланд эди. Тахминан 30-йиллар бошида барпо этилган. Асли фарғоналик фидойи маорифчи Акбар ака Умаров қурилиш бошида турган, шу мактабга директорлик қилган. Туман тузилгач эса халқ маорифи бўлимини бошқарган. Бу мактаб биноси Ўсмаатдаги энг кўхна иморат бўлиб, ҳақиқий илм-зиё маркази сифатида хизмат қилган. Шунинг учун бу бинони асраб-авайлаш керак. 1948 йилда мактабимиз 10-синфини битирганлар биринчи марта етуклик аттестати олдилар. Битирувчилардан Самарқанд вилояти халқ таълимидан келган мутахассислар комиссияси имтиҳон олган. Биринчи битирувчилар Ислоҳ Усмонов, Аҳадқул Имомов, Норбой Мамиров, Бегали Назаров, икки нафар татар қиз – Макка, Марям ва бошқалар.

1949 йилда битирадиганлар эса катта қийинчиликларга дуч келди. Мактабда олий маълумотли ўқитувчилар йўқлиги сабабли битирув имтиҳонлари бекор қилинди. Битирувчилар эса Тошкент шаҳрига келиб экстернатда ўқиб имтиҳон топширдилар. Булар Абирқул Абдуллаев, Холматжон Жалилов, Гаффор Искандаров ва бошқалар эди.

Шундан кейин мактабимиз олий маълумотли кадрлар билан мустаҳкамланди. Ана шу вақтда Ўзбекистон давлат университетини битирганлар химик-биолог А. Умрзоқов, тарихчи Раҳим Мажидовлар Самарқанддан, рус тили бўйича Иванова Тошкент педагогика институтидан ўқитувчи бўлиб келди. ЎзДУнинг филология факультетини битирган Жўра Ҳожиматов мактабимизга директор қилиб тайинланди. Кейинчалик Жўра Ҳожиматов СамДУ профессори даражасигача кўтарилди.

Билимдон ўқитувчиларнинг, янги раҳбарнинг келиши таълим савиясини кўтарди, мактабимиз обрўси оша борди.

Хуллас, 1952 йилда мен ҳам туман марказидаги ўрта мактабни бешинчи битирувчилар сафида аъло баҳолар билан тамомладим. 1952 йили А ва Б синфлари бўйича 50 га яқин бола етуклик аттестати олди. Энди яна ўқишим керак эди. Мен Самарқандда, отам эса Тошкентда ўқишимни хоҳлади. Бунинг учун паспорт олиш масаласини ҳал этиш даркор эди. Чунки ёшим 18 да. Ўқишга борадиган бўлсангиз албатта паспорт керак. Яхшиямки, отам раҳнамолигида 1950 йили туман ЗАГСидан тугилиш гувоҳномасини олган эдим. Гувоҳномада 1934 йил 28 май деб ёзилган, нима учундир паспорт олганимда 1934 йил 29 май бўлиб ёзилиб қолган (аслида эса 1934 йил 28 мартда туғилганман).

Биз оилада 8 фарзандмиз – 5 ўғил, 3 қиз. Опам Саломат, сингилларим Ҳидоят, Саодат, укаларим Акбарали, Қаҳрамон, Абдуманнон, Абдумалик. Ота-онамиз ҳаммамизни уйли-жойли қилишди, отам 1981 йилда, онам эса 1989 йилда оламдан ўтдилар.

Ота-онам 8 фарзандни оёққа қўйиш, уларни тарбиялаш, ўқитишда озмунча азият чекишмади. Мен ва тўртта укам олий маълумотли бўлдик.

Онам Асалбувининг саводи бўлмаган, умр бўйи колхозда ишлаган. Саводсизликни битириш курсида ўқиб қўл қўйишни ўрганган, холос. Уруш ва урушдан кейинги йиллар колхозда ишлаш ўта машаққатли меҳнатни талаб қилар, ҳар бир колхозчи – хоҳ у эркак бўлсин, хоҳ аёл – муайян меҳнат кунини бажариши керак эди. Колхозда ишланган ҳар бир кун ҳисобга олинар ва меҳнат куни билан баҳоланарди. Меҳнат кунининг минимум миқдорини бажармаганлар жазоланган, ҳатто бадарга ҳам қилинган. Юқорида номлари келтирилган қишлоқлар Ворошилов номли колхозни ташкил этарди. Колхоз асосан лалми деҳқончилик билан шуғулланар, буғдой ўри-

ми вақтида ҳамма колхоз аъзолари чўлда – Қўшҳовуз деган жойда тунардилар, тонг саҳардан қўлда ўроқ билан буғдой ўрардилар, кечаси эса ўша жойда ётардилар. Бирор кишининг уйга келишга ҳадди йўқ. Фақат раис рухсати билан уйга келиб кетиш мумкин эди. Қўшҳовуз деган жой қишлоқдан 8–10 чақирим келадиган масофада бўлиб, чўлнинг қоқ ўртасида жойлашган. Комбайнлар бўлмаганлиги сабабли буғдой қўлда ўрилар ва ўрим кузгача давом этарди. Ўша жазирама кунларнинг бирида мен онамни соғиниб, отам рухсати билан ўша Қўшҳовузга эрталаб йўл олдим. Йўлда оёғимдаги мўккичамни ҳам ечиб, ялангоёқ тупроқ йўлдан юриб-юриб охири тушга яқин Қўшҳовузга етдим. Қўшҳовузда қатор бостирмалар, унинг ёнида иккита ҳовуз, чош қилиб уйилган буғдой, ҳўкизда ҳўп қўшиб янчилаётган хирмон. Онам эса иссиқ овқат учун эртадан кечгача хамир қориб нон ёпар экан. Колхозчиларга иссиқ овқат ўрнига 3 маҳал 1 тадан нон берилар экан, холос. Онам мени кўриб уйда бир кор-қол бўлмадими деб қўрқиб кетдилар. Болаларидан хавотирланиб ўтирган экан. Мендан тинчлик, хотиржамликни билиб, кўнгли таскин топди. Қуёш оққандан кейин мени уйга кузатиб қолди. Билсам, Қўшҳовузнинг биридан уй ҳайвонлари, биридан одамлар сув ичар экан. Тайёрланган ғалла қопларга солиниб, қишлоқдан олиб борилган эшакларга ортилиб, Ғаллаоролдаги элеваторга етказиб берилар экан. Онамиз раҳматли ана шундай оғир меҳнатда бизларни тарбиялаб вояга етказганлар, илоҳо жойлари жаннатда бўлсин!

Уруш йиллари ота-онамизнинг 4 фарзанди бор эди. Опам, мен ва иккита синглим. Укаларим урушдан кейин туғилишган. Лекин оиламизда урушга кетган амакимнинг бир қизи ва ўғли, отамнинг 2 синглиси, катта энам (отамнинг оналари) – ҳаммаси бўлиб 11 киши бирга яшардик, жуда катта оила эдик. Оилани боқиш эса отам ва онам зиммасида эди. Уруш давридаги даҳшатли очарчиликдан отам бизни ўта тадбиркорлик билан қутқариб қолган.

Шундай бўлардики, колхоз фаоллари уйма-уй юриб галла, ун қидирарди. Агар галла, ун бўлса тракторчиларга овиқат учун деб зўрлик билан қий-чувларга қарамасдан олиб кетишарди. Шунинг учун отам уйдаги бор галлани тегирмонда ун қилдириб, банкдаги кассирхонада сақлар ва ҳар куни атала учун етарли унни халтада уйга олиб келарди. Хайриятки, уйимизда сигирларимиз бор эди. Сут билан ундан бирам лаззатли атала бўлардики, уни еб ҳеч тўймасдик. Уруш бошланиши билан қишлоғимиз йигитларини фронтга олиб кета бошлашди. Қишлоғимиз қирқадирларида фронтга жўнатиладиган кишиларни машқ қилдиришар, урушга тайёрлашарди. Улар машқ билан бирга қўшиқ ҳам айтишарди. Биз болалар уларнинг дўқ-пўписаларига қарамасдан узоқдан бўлса-да томоша қилардик. Улар айтадиган ашулалардан айрим парчалар ҳануз эсимда қолган.

*Ботир, илдам, паҳлавон,  
Ҳар жабҳада қаҳрамон,  
Милён юртин эгаллашда,  
Эгаллашда паҳлавон.  
Анов тоғда ким ётар,  
аскар болалар ётар,  
Ёнбошига тош ботиб,  
ит Гитлерга ўқ отар.*

Урушга Жарбулоқдан ўнлаб йигитлар кетган. Уяқ қишлоқларидан эса юзлаб одамлар фронтга жўнатилган. Отам ҳам 1905 йилда туғилган, айти фронт ёшида бўлган. Бироқ уруш бошланмасдан олдин, тахминан 40-йилда бўлса керак, отам жуда оғир касал бўлган. Ҳатто, ана кетди, мана кетди даражасига ҳам етган. Мен эс-эс билман, ўшанда қаёқдандир, балки дўстлари олиб келишдимиз, бир доктор ё табиб келди. У киши ҳам отам ёшидаги одам эди, номини билмайман-ку, фамилияси Имомқулов эди. Шу киши ёз ойларида уйимизда бир ой туриб отам-

га қараган ва даволаган. Доктор эрта туриб чиқиб кетар, тоғлардан гиёҳ териб келиб дори тайёрлар эди. Шундан кейин отам секин-аста тузалган, бироқ бир умр парҳезда юрган.

Шу туфайли ҳарбий комиссариатга чақиришганда, у ердаги комиссия кўриб, урушга яроқсиз деб хулоса чиқарар, шундай бўлса-да, навбатдаги комиссияга чақираверишарди. Банкка ишга ўтгач эса бу ташкилотнинг ҳарбийдан озод этиш ҳақидаги бронини олди ва шундан кейин ҳарбий комиссариатга чақиришмади. Бу биз учун катта бахт эди, чунки оилада 11 киши битта отамнинг топгани билан кун кўрардик.

Урушга отамнинг акаси (биз уларни Тошпўлат бова дер эдик) ҳам жўнатилди. Улар аёли вафот этганлиги сабабли бир қизи ва ўғли билан бизникида турарди. Етим қолган икки боласи борлигига қарамасдан Тошпўлат бовани ҳам урушга олиб кетишди. У киши саводи йўқ оддий бир деҳқон эди. Қишлоғимиздаги ака-ука Бутунбой, Эшбой, Норқул деганлар, ака-ука Қобил ва Байзо деганлар, Соатқул Имомов, Маҳмуд Зайниев, Жума Бердиев, Умар ака, Ражаб ака деганлар ва менинг эсимга келмаган бошқа ҳамқишлоқларим фронтга жўнатилган. Майдабой қишлоғидаги Бутунбой, Умнатқул, Жаббор тоғаларим (онамнинг ака ва укалари) ҳам фронтга кетишган. Мен номларини келтирганлардан Жума Бердиев, Ражаб ака, тоғаларимдан Умнатқул (ногирон бўлиб) ва Жаббор тоға урушдан эсон-омон қайтганлар, бошқалар эса ном-нишонсиз кетишган.

Амаким Тошпўлат бова ҳақида икки огиз сўз. Уруш тамом бўлди, урушда соғ қолганлар қайтиб кела бошлашди. Бироқ Тошпўлат бовадан дарак йўқ. Онаизор эмасми, катта энам ҳар куни ўғлини кутиб эшик олдига чиқиб ўтирарди, эна, нима қилиб ўтирибсиз, десак, Тошпўлатбойни кутаяпман, дерди. Баъзан эса кичик ўғли бизнинг отамизга қараб мулла Бийтемир аканг

урушдан келиб адашиб Тангатопдига ўтиб кетмадимикан деб қўярдилар. (Тангатопди Жарбулоқдан тахминан 20 чақирим нарида бўлиб, катта энам ўша жойда туғилган ва Жарбулоққа келин бўлиб тушган). Отам эса Тошпўлатбой шунча жойдан келиб, қишлоғимизни тополмайдими дер эдилар. Кунлардан бир кун 1946 йилда Тошпўлат бова дабдурустан тонг саҳарда соппа-соғ уйга кириб келди. Ҳаммаёқ хурсандчилик, катта энам эса ҳушидан кетиб қолди.

Отам секин акасидан урушдан кеч қайтганини, бирон-бир заха емаганини сўраб-суриштирди. У киши жанг қилиб Одессагача борибди. У жойда душман қуршовига тушиб, асир олинбди. «Бир вақт қарасам ҳамма икки кўлини кўтариб турибди, мен винтовкамни орқамга осиб нима қилишимни билмай турибман. Биттаси келиб бошимга бир урди, йиқилиб тушдим. Улардан бири турк-турк дегани эсимда қолди. Хуллас, мен асирга тушган эканман».

Асир сифатида Бессарабияга, Руминияга, кейин Берлингача борган. Берлинда америкаликлар озод қилишган ва бизнинг аскарлар турган жойга жўнатишган. Кейин тергов бошланган ва маълум вақт ўтгач уйига рухсат беришган. Саводи бўлмагач, уйга хат ҳам ёзмаган.

Қаранг, фронтда ҳам кутилмаган воқеалар бўлар экан. Тошпўлат бова бўлинмаси ва бошқа бўлинмалар атакага тайёргарлик кўриб, энди бошлаймиз деб турганда биттаси Тошпўлат акамисиз дебди. Бундай қараса, қамқишлоқ қўшниси Маҳмуд Зайниев экан. Иккаласи кўришиб, йиглашиб, бир-бирига ваъда қилишибди. Ким соғ-саломат уйга қайтиб борса, бир-бирларини кўрганларини қариндошларига айтишга келишишибди. Бу даврда Маҳмуд Зайниевдан қорахат келиб улгурган эди. Шундай бўлса-да, бовам Маҳмуд аканинг онаси Зубайда холага, акаси Ҳамид акага бу воқеа тафсилотини айтиб, улар худди ўғли ва укасини кўргандай бўлиб қолишди.



Урушнинг охирироғида Уяснинг Ўрта қишлоғидан бўлган ҳамқишлоғимиз Иброҳим Сиддиқовнинг жангда кўрсатган жасорати, мардлиги ҳақида хабар тарқалди. Газеталарда ёзилди. Ҳатто кексаларнинг айтишича, туман марказида митинг ҳам бўлган. Уруш тамом бўлгач, Иброҳим Сиддиқов кўкраги тўла орденлар, медаллар билан уйига қайтди. Узоқ йиллар ҳалол меҳнат қилиб дунёдан ўтди.

Уруш ёшидан ўтган одамларни ҳам тинч қўйишмади. Қишлоғимиздаги кўплаб кишилар уруш даврида ташкил бўлган «рабочий батальон»га олиб кетилди. Улар узоқ Сибирь ўрмонларида не азоб-уқубатларда ишлаган, ёғоч кесишган. Иссиқ ўлкалардан чопон, яқтақда жўнаган одамларнинг қанчаси совуқда қирилиб кетган. Кетганларнинг бир қисмигина ўз юртига қайтиб келган.

Жарбулоқда оғир дамларда яшаган ҳар бир киши урушнинг азобу уқубатларини бошдан ўтказган. Уруш йиллари очликдан ўлиб қолган одамларни, бир бурда нонга зор бўлганларни ўз кўзимиз билан кўрганмиз.

Уруш йиллари одамлар орасида тошбақани энди «ер товуқ» дейиш керакмиш, бу ҳақда Сталиннинг буйруғи бормиш деган гап тарқалди. Дала ва яйловларда юрадиган «ер товуқ»лар териб олиниб, катта-катта машиналарга юкланиб олиб кетилди. Кейинчалик «Фан» нашриётида ишлаб юрган вақтимда катта зоолог олим, академик Теша Зоҳидовга бу тўғрида айтганимда, у киши шундай деган эди: «Уруш йиллари мени Усмон Юсупов чақирди. Урушда озиқ-овқат етишмаётганлиги, бу борада Ўзбекистоннинг қандай ёрдам бериши мумкинлиги ҳақида маслаҳат солди. Мен эса Ўзбекистон яйловларида тошбақа кўплиги, унинг гўштидан сервитамин консерва тайёрлаш мумкинлиги ҳақидаги фикримни айтдим». Ана шундай қилиб уруш балосидан тошбақалар ҳам омон қолмаган.

Ҳар бир қишлоқнинг ўз машгулоти бўлган. Жарбулоқда эса узумчилик ривож топган. Қора кишмиш майизи анча машҳур бўлган. Қишлоғимизда 3 та момо

бўларди – Ашир момо, Новвот момо, Турсин момо (бу момони ҳамқишлоқларим Эчкичак момо ҳам дейишарди). Ким касал бўлса, ўша момоларга мурожаат қилишарди, улар эса жон-дилдан ёрдам беришга уринишарди. Чунки яқин атрофда на доктор, на докторхона бор эди. Ёшлигимда томоғим кўп огрирди. Томоғим огрийверганидан онам Эчкичак момога олиб борди. Момо томоғимни кўрди-да, ҳовлида ўчоқда турган қозон қурумани капкирда сидириб олди, оғзимга теша дастасини тишлатиб қўйди, бармоғини капкирдаги қурумга тегизиб, томоғимдаги бир нарсани юлиб олди. Ҳали-ҳануз доктор томоғимни кўриб, гландани олдирганмисиз деб сўрайди. Бунинг оқибати ёмон бўлиши ҳам мумкин эди. Оллонинг сақлагани шу бўлса керак.

Қишлоғим ҳозир ҳам энига, ҳам бўйига кенгайган. Илгарилари 30 чоғли хонадон бўлса, бугун юзтадан ошиб кетган. Бир вақтлар шўро тузумида «қўтир бўлган» ерлар ўз эгасини топган. Қишлоғимизнинг икки четидаги бўш ётган ерларга ҳовли-жойлар қурилган, томорқалар берилган. Икки жойда водопровод суви кечаю-кундуз оқиб туради. Бу мустақиллигимиз, озодлигимиз неъмат. Одамлар хоҳласа ширкатда, хоҳласа фермер бўлиб ишлашлари мумкин. Қишлоғимиз оқсоқоллари – етмишдан ўтиб саксонни қоралаб қолган Ражаб ака, Ҳамид ака, Аҳатқул ҳожи, Очил ака, Мўйдин ака, Бобоқозоқ акалар ҳар бир тадбирга бош-қош. Синфдошим Ҳазратқул Имомов қишлоғимиз масжидида имомлик қилмоқда. Олтибой Фармонов эса ўз хўжалик ишлари билан банд. Жарбулоқ ёшлари меҳрли, оқибатли. Ҳар борганимда мени жуда яхши кутиб олишади.

Юқорида туман тузилгани тўғрисида гапирган эдим. Туманнинг номи Қорақишлоқ деб аталган эди. Бу номнинг қаердан келиб чиққанлигини ҳозиргача билмаймиз. Яқин-атрофда бундай ном ҳам, қишлоқ ҳам йўқ эди. Айтишларича, дастлаб туман маркази бошқа жойда бўлиши мўлжалланган, бу жой Ўсмадан тахминан 20–25 чақирим

келадиган Сойбўйи воҳасидаги бир қишлоқнинг номи бўлган. Кейинчалик марказ жойи ўзгарган, лекин қарорда эски ном — Қорақишлоқ қолаверган бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, туманимиз номи Қорақишлоқ бўлиб қолди.

Туманда каттагина МТС бўлиб, у туман тузилишидан олдин қурилган. Унда ишлайдиган асосий мутахассислар руслар эди. МТС яқинида кичкина посёлка бўлиб, Юмалоқбош қишлоғининг охирида жойлашган. Уйлар кичкина-кичкина, бир-бирига зич жойлашиб, уларда МТСда ишлайдиган рус ишчилари яшашарди. Унинг яқинида пекарня ҳам қурилган бўлиб, унда буханка нон ёпилар эди. Бора-бора ўзимиздан ҳам кўплаб механизаторлар етишиб чиқди. Ака-ука Абдусалом ва Абдумажид Бекназаровлар, Турсунбой Сулаймонов, майдабойлик Эшбой ака ва бошқалар тракторчи, комбайнчи ихтисосларини ўрганиб, МТСда узоқ вақт ишладилар. Мен ҳам 1950—51 йилларда мактабдан каникулга чиққан вақтимда Абдусалом поччамнинг укаси Абдумажид аканинг комбайнчилар бригадасида учётчик бўлиб ишлаганман. Учётчик бўлиб ишга ўтиш учун аввал МТС бош агрономи Султоновга (татар киши эди) ер ўлчашдан имтиҳон топширганман. Биз икки мавсум Гулбулоқ ва Узунбулоқ зоналарида ғалла ўрганмиз. Учётчикнинг вазифаси ғалла ўрилган майдонни ўлчаш ва комбайнчиларга колхоз омборидан озиқ-овқат маҳсулотларини олиб оппазга етказиб бериш эди. Икки ойлик иш ҳақим 1 центнер буғдой ва бир оз пул эди. Бу ҳам оила учун бир қадар ёрдам бўларди. Икки йил СК-4 комбайнида штурвалчи ҳам бўлганман. Бу вақтда тракторчи ва комбайнчилар асосан ўзбеклар эди.

1951 йили комбайн бригадасида ишлаганимда хатарли бир воқеа юз берган. Бригадамизда 1 та ўзиюрар комбайн, 1 та трактор тортиб юрадиган комбайн бор эди. Иккинчи йил ишлашимда ўзиюрар комбайнда штурвалчи ўрнида

ишлашга қизиқиб, уни ҳайдашни, галла ўришни анча ўрганиб олдим. Мен комбайн ҳайдаганимдан, комбайнчи эса дам олганидан хурсанд эдик. Ўрим мавсуми охирларида бригадамиз Гулбулоқдан Узунбулоқдаги Сталин номли колхознинг қир-адирларидаги галлани ўришга ўтди. Колхоз бизга сал оқсаб юрадиган, латифанамо гапларни кўп биладиган Эшбой ака деган одамни ошпаз қилиб бириктирди. У киши қишлоқда овқат пишириб, тушда адирдаги чайлага олиб келарди. Бир куни овқат вақтида мен комбайнни олиб келиб, олд томонини тоққа, орқа томонини пастга қаратиб қўйиб комбайндан тушдим. Чайлага келиб оёгимнинг бир пойини ечган ҳам эдимки, одамлар ҳай-ҳайлаб қолди, қарасам комбайн пастга қараб кетаяпти. Жон ҳолатда чопдиму, тирмашиб кабинага чиқдим ва комбайнни тўхтатдим. Бригадиримиз мени, комбайнчини роса сўкди. Менга қараб, сал бўлмаса қаматиб юборувдинг деб бир тарсаки солди. Кейин билсам комбайнни бирор тезликка ёки тормозга солиб қўймаганимдан пастга қараб кета бошлаган экан.

Туман маркази Ўсмаат қишлоғи ҳудудидаги катта бозоржой бўлиб, унинг атрофи баланд девор билан ўралган эди (бу бозор ҳозир ҳам бор). Уруш йиллари вақти-вақти билан бозор куни, бозор айна қизиган пайтда, балоқазодек солдатлар келиб чор-атрофдаги бозор деворлари устига чиқиб қўлида милтиқ, автоматлар билан турар, бирор кимсанинг девордан ошишига йўл қўймасди. Ҳамма бозорнинг биргина дарвозасидан чиқарилар, ҳужжатлари текширилиб армияга яроқлиларни йиғиб олар ва фронтга жўнатарди. Одамлар буни ўрисча сўз билан «облава» дейишарди. Ала шундай «облава» кунларидан бирида отамнинг таниши Бозорбой ака ҳам ўша ерда бўлган. У киши 30–35 ёшлар атрофида бўлиб, соқол қўйиб юрар, тишлари ёшлигидаёқ тушиб кетган эди. Эшагини етаклаб бозор дарвозасидан чиқаётганида ўрис офицер Бозорбой акани тўхтатиб «документы» деса у огзини катта очиб

кўрсатибди. Шунда ҳалиги офицер «проходи, бабай» деб у кишини ўтказиб юборган экан.

Туман тузилгандан кейинги энг йирик воқеалардан бири – Ўсмадда ГЭС қурилиши бўлди. Юқорида айтганимиз Жарбулоқ қишлоғидан ўтадиган сув тепадан Йўлдошбой қишлоғи орқали ГЭСга олиб келинган. Ариқ олиб Ўсмад (туман маркази)нинг тепасига келтирилган сув пастга (чамаси 50 метрлар) қувур орқали туширилган ва кучли оқим билан ГЭС машиналари айлантилган. ГЭС қурилиши жуда кўтаринкилик билан олиб борилган эди. ГЭСни юргизган сувни яна қайтариб Жарбулоқ қишлоғининг пастки қисмига олиб бориш учун ҳашар йўли билан ариқ қазилган. Уни қазишда бутун туман колхозлари қатнашган. Лекин охир-оқибатда бу ҳаракат бесамар кетди. Муҳандислик ҳисоб-китоби нотўғри бўлган шекилли, қазилган ариқдан сув Жарбулоқ қишлоғига умуман юрмади. Орадан ярим асрдан кўп вақт ўтган бўлса-да, бу ариқ излари ҳанузгача кўзга ташланиб туради. Кўп меҳнат, машаққатлар билан ГЭС қуриб битказилди, чироқлар ҳам ёнди, лекин бу қувонч узоққа бормади. Авария юз берди. ГЭСнинг парраклари чил-чил синди. Бу ҳол бир неча бор такрорланди. ГЭС тўхтаб қолди ва бошқа юрмади. ГЭС анжомлари, тортилган мис симлар, симёғочлар ҳам аста-секин йўқ бўлиб кетди.

Отам туман банкида, онам эса колхозда ишлашар эди. Онамни колхознинг сермашаққат ишларидан қутқариш ва отамнинг ишига яқинроқ ерда яшаш учун оиламиз 50-йилларнинг бошларида Жарбулоқдаги жойларимиз, боғ-роғларимизни ташлаб туман маркази Ўсмадга кўчиб ўтдик.

Урушдан кейин одамлар энди тинч-хотиржам яшаймиз деганда 50-йиллар бошидан Бекобод, Боёвут, Мирзачўлда ўзлаштирилган янги ерларга кўчирма бошланди. Ўз жойига, табиатига ўрганган одамларни бошқа жойга кўчиришнинг ўзи бўлмайди, кўп норозиликлар, жан-

жаллар чиқди. Олдин якка тартибда кўчириб кўришди, кейин эса бутун қишлоқ ёки бутун уруғ-аймоқлари билан кўчириш бошланди. Айрим қишлоқлар умуман одамсиз қолди. Бундай кўргуликлар бизнинг қариндошларимиз бошига ҳам тушди. Тўрт тоғам оиласи, кексайган оналари, опа-сингиллари, тоғамларнинг тоғаси ҳам барча қариндош уруғлари билан, отамнинг укаси Раҳматулла акам опа-сингиллари билан чўлга кўчирилди. Уларнинг бир қисми — катта тоғам (катта энамнинг укаси) Боёвутга, тоғаларим ва Раҳматулла акам Далварзинга, кейин яна бир колхозга, охири Боёвутга келиб қўним топишди. Улардан битта тоғам (Жабборқул), Раҳматулла акам (худо раҳмат қилсин) Бахмалга қайтиб келдилар. Қолган тоғамларнинг ҳаммаси Боёвут туманидаги колхозларда ишлаб, бу дунёдан ўтиб кетдилар. Уларнинг болачақалари ўша ерда туғилиб ўсишди ва ўша жойларда истиқомат қилишмоқда. Тошпўлат бовамиз ҳам оиласи, ўғли Бўзўғлон ака билан чўлга кўчирилди. Ўша ерларда келинли, неварали бўлди ва 80-йилларда Жарбулоққа қайтиб келишди. Шу ерда иккаласи ҳам оламдан ўтишди. Шундай қилиб, туманимиз аҳолисининг катта бир қисми чўлларда очилган янги ерларга мажбуран кўчирилди. Улар бутун чўл зоналарига тарқалиб кетишди. Шундан бўлса керак, ҳозир Тошкент вилоятининг Пскентидан бошлаб Сирдарё, Жиззах вилоятлари чўл туманларининг кўп жойларида асли келиб чиқиши бахмаллик одамларни учратасиз.

Шўролар даврида ҳамма жойда биринчи раҳбар партия қўмитаси котиби ҳисобланарди. Туманларга ҳам райком котиблари раҳбарлик қилишарди. Қорақишлоқ тумани тузилгач, райкомнинг биринчи котиби бўлиб Худойберди Норматов сайланган. Ундан кейин Вафо Хўжаев, Ўсаров, Ҳамроқул Милтиқбоев, Эргаш Холматов, Синдор Ҳамроқулов, Турғунбоевлар райкомнинг биринчи котиблари бўлиб ишлашган.

Ҳамма райком котиблари бир маромда иш олиб боришди ва туманни ривожлантириш учун муайян ҳисса қўшишди. Лекин биринчи котиблар ичида асли форишлик Ҳамроқул Милтиқбоев даврида ағдар-тўнтар ишлар кўп бўлганлигини туманимиз қариялари яхши эслашади. У киши кечалари фермалар, молхоналарга бориб текширувлар ўтказар, кўплаб раислар, ферма мудирларини ишдан олиб ташларди. Уни асосан урушдан азоб еб чиққан халқнинг гами эмас, «социалистик мулк»нинг бутлиги қизиқтирди. Шу билан бирга, фронтдан қайтган ёшларни иш билан таъминлашда хайрли ишларни ҳам қилди. Менинг билганим, бизнинг мактабда фронтдан қайтиб военрук бўлиб юрган Жума Бердиевни қишлоқ совети раиси вазифасига тайинлади. Ҳ. Милтиқбоев туманда кўп ишламади. Шундан сўнг Москва давлат университети фалсафа факультетига кириб ўқиб, Тошкентга келди. Фанлар академиясида ишлади, кейинчалик Тошкентда биз билан қўшни бўлиб турди. Қорақишлоқдаги хангомалардан гап очсак, «биз «Правда» газетасига қараб иш тутганмиз, ясно!» деб қилмишларидан ўзи ҳам пушаймонлиги билиниб турарди. 1957 йилда Н. Хрушчёвнинг йириклаштириш сиёсати туфайли Қорақишлоқ тумани Ғаллаорол туманига қўшиб юборилди. Натижада туман идоралари тугатилди, кадрлар иш излаб турли томонларга тарқаб кетди. Туман маркази Ўсмаат ҳувиллаб қолди, бутун туман ҳудудида битта совхоз тузилди. Бу аҳвол 1971 йилга қадар давом этди. 1971 йилнинг 31 августидан улуг инсон Шароф Рашидовнинг ташаббуси билан туман ҳам қайта тикланди. Бу гал туман Бахмал деб аталди.

## ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА

**1952** йил 10 синфни битириб, етуклик аттестатини олгач, ўқишга кириш учун Тошкентга жўнадим. Бу вақтда отамнинг синглиси Жамила аммам асли бахмаллик, Тошкентда тургун бўлиб қолган Абдужаббор Бошбеков деган одамга бу кишининг бахмаллик қариндошлари ёрдамида турмушга чиққан ва Тошкентда яшаётган эди. Мен тўғри аммамникига келдим. Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг тарих факультетига ҳужжатларимни топширдим. Ёз бўйи тайёрланиб, имтиҳонларнинг ҳаммасини (6 та имтиҳон) 4 баҳога топширдим. Студент бўлдим деб бежавотир юрдим. Мандат комиссияси бўлди. Менинг тўплаган балим тарих факультетига кириш учун етмасдан институтга кира олмадим. Мен қабул комиссияси раиси билан учрашдим. У киши менга «резерв» сифатида қабул қилингансиз деди ва «резерв» маъносини тушунтирди, яъни 6 ой ёки бир йил рўйхатга кирмасдан дарсларга қатнашар эканман. Мен ҳужжатларимни қайтариб олишга қарор қилдим. Шунда қабул комиссияси раиси яна бир йўл бор деди ва Бухоро педагогика институтига студент бўлиб боришим мумкинлигини, улар буни расмийлаштириб беришларини айтди. Мен кўнмадим ва ҳужжатларимни олиб уйга қайтдим. Сентябрь яқинлашгач, А. Юсупов мени туман маориф бўлимига чақиртирди, Оломон қишлоғидаги бошлангич мактабнинг комплект синфига ўқитувчи қилиб тайинлади. Уйдан Оломон қишлоғига қатнаб ўқитувчилик қилиб юрдим. 15 кун ишлагач, яна А. Юсупов чақиртирди ва ўзим



битирган ўрта мактабнинг V-VII синфларига ўқитувчи қилиб тайинлади. Бу вақтда олдинги директоримиз Жўра Ҳожиматов Москвага аспирантурага кетган, илмий бўлим мудиримиз А. Умурзоқов директор бўлган экан.

У киши мени ва синфдошим Умур Исмоиловни ишга олди. Ўша йили мактаб синфлари кўпайганлиги, айрим ўқитувчилар ишдан кетганлиги учун бўш дарс соатлари кўп экан. Менга V-VII синфларнинг она тили, адабиёти, V синфларнинг тарихи, географияси соатлари берилди. Дарс юкламам 36 соатга етди. Шундай қилиб, 1952–53 ўқув йилида эртадан кечгача мактабда бўлдим. Кўп ташкилий ишларни ҳам бажардим. Пахта териш мавсумининг бошидан охиригача иштирок этдим. Тарих факультетига киролмаганимга ҳам ачинмадим. Чунки мактабда айнан тарих дарслари кам бўлар экан, физика-математика, она тили дарслари кўп ўтилар экан. Келгусида ўқитувчилик қилмоқчи бўлсам, албатта тил ва адабиёт мутахассислигини эгаллаш кераклигини тушуниб етдим. 10-синфни битириб, мактабда ишлаш мен учун катта тажриба бўлди.

1953 йили ёзида мактабдан 2 ойлик таътилга чиқиб, етарли маблағ олиб яна Тошкентга келдим. Осилсанг баланд дорга осил, деганларидек, энди ҳужжатларимни Ўрта Осиё давлат университетининг (САГУ дейиларди) филология факультетига топширмоқчи бўлдим. У вақтлар САГУ энг нуфузли илм даргоҳи ҳисобланарди. Бирор махсус маълумот олмай, фақат 10-синфни тугатиб мактабда ишлаб юганимда, ёшлик эмасми, университетни битирганларнинг кўкрагидаги значогига жуда ҳавас қилардим. Университетга ҳужжат топшириш ҳам қийин экан. Бирикки кун овора бўлдим. Қандайдир докторлар кўригидан, рентгенлардан ўтиш керак экан. Чунки у вақтларда ҳозиргидек тайёр маълумотномалар билан келиш тартиби йўқ эди. Хуллас, ҳамма дастлабки талабларни бажардим ва ҳужжатимни топширдим. Ҳужжат топширишда яна бир муаммога дуч келдим. Аттестатимда чет тили ўтилма-

чилиги учун баҳо қўйилмаган ва мактабдан маълумотном берилган эди. Унда чет тили 5-синфгача ўтилган деган фикр бор эди. Хужжатни қабул қилаётган киши 5-синф қўжмида чет тилидан имтиҳон топширасиз деди. Ҳайрон бўлиб, нима қилишимни билмасдан турганимда бирдан Олий Совет депутатимиз эсимга келиб қолди. У киши Маданият вазири (у вақтда министр дейиларди) Анвар Марасулович Қўчқоров эди. Депутатимизнинг таржимаи ҳоли, вазифасини яхши билардим, чунки мен сайлов кампаниясида агитатор бўлиб ишлагандим.

Бахтимга вазирлик идораси Университетнинг шундай ёнида, Ленинград кўчасида жойлашган экан. Вазир қабулига бордим. Бир аёл котиба экан. Арзимни айтдим. Котиба менга астойдил ёрдам беришга киришди. Бир кишининг олдига кириб чиқди, энди билишимча вазир ёрдамчиси. Котиба кулиб келиб, бу иш билан вазир олдига кириб юришингиз шарт эмас экан, ҳозир гаплашилди, аттестатда баҳо бўлмаса имтиҳон олинмас экан, қабул комиссиясидагилар сизни қўрқитган, деди. Башарти, имтиҳон вақтида яна шу масала айланса, чет тилидан имтиҳон топширмай унинг олдига келишимни тайинлади. Айтганича бор экан, чет тилидан имтиҳон масаласи бошқа кўтарилмади.

Хуллас, имтиҳон кунлари — 1 август ҳам етиб келди. Биринчи имтиҳон — адабиётдан иншо. Иншони Университет (ҳозирги Амир Темур хиёбонида)нинг биология факультети жойлашган биноси учинчи қаватида ёздик.

Мен «Ғафур Ғулом — тинчлик жарчиси» деган эркин мавзуда ёздим. Ўша йили Ғафур Ғулом таваллудининг 50-йиллиги муносабати билан газеталарда жуда кўп материаллар чиққан эди. Мен мавзунини жуда яхши ўзлаштирган, тайёр иншоларим ҳам бор эди. Шунинг учун бежавотир иншони ёздим, такрор-такрор ўқидим. Она тили ўқитувчиси сифатида 5—7 синфлардан диктант, баён олавериб, ёзма ишларни текширишда малакам ошган, кўзим

пишган эди. Ёзма имтиҳон пайтида бизнинг аудитори-  
яга бир-икки киши кириб келди. Улар орасидаги мўйса-  
фид худди Садриддин Айнийга ўхшар эди. Ҳамма у ки-  
шини Садриддин Айний деб бир-бири билан шивирлаш-  
ди. Кейин билсак, у киши машҳур арабшунос С. Ганиев  
домла экан. Ўқиш давомида бизларга араб тилидан дарс  
бердилар, қизлари Зарифа эса биз билан бирга филфақда  
ўқиди.

Иккинчи имтиҳон — она тили ва адабиётдан огзаки  
имтиҳонни Ёқуб Гулом олди. Ёнида бир аёл. Огзаки  
имтиҳон бўйича жавоб бергач, баҳонгиз 4, ёзма ишингиз  
ҳам 4 баҳоланган, деди. Мен бирдан: «Домла, мен ўқиш  
учун узоқдан келганман, тайёрланганман. Ёзма ишим-  
ни яна бир кўринг» дедим. У вақтларда ёзма иш огзаки  
имтиҳон оладиганлар ёнида турар экан. Менинг дадил-  
лигимни кўриб, қараб қўйди-да, ёзма ишни олди. Би-  
ронта ҳам хатоси йўқ, бироқ икки қатор тагига қизил  
қалам билан чизилган. Ёқуб Гулом ёзма ишимни кўр-  
ди, баъзи жойларини ўқигандай бўлди. Шу вақт бахтим-  
га предмет бўйича имтиҳон комиссияси раиси С. Фер-  
даус кириб қолди. Домла билан иккаласи гаплашди ва  
имтиҳон варақасидаги 4 баҳони 5 қилиб тўғрилади ва  
иккаласи имзо чекди. Огзакига ҳам 5 қўйди. Кейин-  
ги имтиҳонларим тарих, география нисбатан осон кечди,  
улардан ҳам 5 баҳо олдим. Бу имтиҳонларда ҳам менинг  
мактабда география, тарихдан дарс берганларим жуда  
асқотди. Географиядан имтиҳон олган Сиддиқов харита  
бўйича жуда кўп савол берди. Ҳаммасини харитадан кўр-  
сатдим. У киши географакка кирсангиз бўлар экан, деди  
холос.

Рус тилидан ёзма имтиҳон — диктантни ўша вақтдаги  
Тарас Шевченко кўчасидаги Кимё факультетининг кат-  
та залида топширдик. Рус тилидан огзаки имтиҳон жуда  
осон эди, бирор сўз туркумининг таърифи, мисолнинг  
морфологик таҳлили. Ҳар иккисидан ҳам 5 баҳо олдим.

Имтиҳондан кейин ҳар куни университетга келиб ҳа-  
бир олардик. Бир кун келсам, менинг фамилиям ёзиллиб,  
қабул комиссиясига киришим сўралган экан. Кирсам,  
имтиҳон варақамда тузатиш бўлгани учун менга янги  
имтиҳон варақаси тайёрлашибди, рус тили, география  
домлаларининг баҳо ва имзолари бор. Менга Ёқуб Фулом  
ва тарихчи Ҳайдаровга қўл қўйдириб келасиз, дейиш-  
ди. Ёқуб Фуломнинг уй адресини беришди, тарихчи дом-  
ла Ҳайдаров эса «Ўқитувчи» дам олиш уйида ҳордиқ  
чиқараётган экан, унинг ҳам адресини беришди. Мен ўша  
куни Ёқуб Фуломнинг уйига бордим, Хадрадаги «Родина»  
кинотеатри орқасида жойлашган ҳовлисида таъмирлаш  
ишлари қилинаётган экан. Эски варақага қараб баҳо ва  
имзо қўйиб бердилар. Кейин «Ўқитувчи» дам олиш уйига  
бориб, Ҳайдаров домлани ҳам топдим ва эски варақа асо-  
сида баҳолатиб, имзосини олиб келиб ўша куниеқ қабул  
комиссиясига янги ва эски варақани топширдим. 3—4 кун  
ўтар-ўтмас, Университетнинг филология факультетига  
қабул қилинганлар рўйхатининг бошида менинг ҳам фа-  
милиям бор эди.

Шу тариқа мен 1953 йил 1 сентябридан Ўрта Осиё  
давлат университети (ҳозирги Миллий университет) фи-  
лология факультетида ўқий бошладим. 1-курсга 60 дан  
зиёд талаба қабул қилинган бўлиб, 2 гуруҳга бўлин-  
ган эди. Ёшим каттароқ ва меҳнат стажим ҳам бўлгани  
учун гуруҳ старостаси (оқсоқоли)лигига менинг номзодим  
қўйилган эди. Дастлабки ўқув соатларида ташкилий маса-  
ла кўрилиб, староста этиб сайландим.

Биринчи курсда бизга ҳозирги замон ўзбек тилидан  
доц. Шавкат Раҳматуллаев, тилшуносликка кириш кур-  
сидан доц. Турсун Иброҳимов, адабиётшуносликка кириш  
курсидан Лазиз Қаюмов, диалектологиядан доц. Теша  
Салимов, тил тарихидан Олим Усмон, хориж адабиёти-  
дан Фозила Сулаймонова дарс ўтишарди. Хориж адабиёти  
дарслари рус тилида ўтиларди. Ўқитувчилар ҳам асосан

руслар, биттагина ўзбек ўқитувчи Фозила опа эдилар. Бу кишининг турмуш ўртоғи Ҳамид Сулаймон ўша пайтлари миллатчи сифатида ноҳақ айбланиб, қамоқда эди. У киши ҳам хориж адабиёти мутахассиси бўлган ва талабаларга ўзбек тилида дарс ўтганлиги учун миллатчи сифатида қамалган экан. Биз опадан дарсни ўзбекча ўтишни илтимос қилавергач, опа аудитория эшикларини маҳкам ёпиб, ўзбек тилида дарс ўтарди. Мабодо бирор киши кириб қолгудек бўлса, дарсни рус тилида давом эттираверарди. Шахсга сиғиниш даври тугаб, Сталиннинг қилмишлари қоралангач, Ҳамид Сулаймон домла қамоқдан қайтиб, энди хориж адабиёти билан эмас, балки Алишер Навоий ижоди билан шугулланди. Навоий ижодидан докторлик диссертациясини ёқлади, Қўлёзмалар институтини ташкил этди ва ўзбек маданияти, адабиёти тарихини ўрганиш ишига буюк ҳисса қўшди. Фозила Сулаймонова ҳам ғарб ва шарқ адабий алоқалари бўйича илмий иш олиб бориб, фан доктори бўлдилар, «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотландилар.

Ҳафтанинг бир куни ҳарбий тайёргарликка ажратилган бўлиб, ўша куни тўлигича Университетнинг ҳарбий кафедраси ихтиёрида бўлардик. Машгулотлар ҳаммаси рус тилида олиб бориларди. Бу куни фақат ўғил болалар ўқир, қизлар эса дам олар ёки факультетнинг бошқа ишлари билан шугулланар эди.

Университетда ўқиш давримизда ўтиладиган фанлар бўйича бирор дарслик йўқ эди. Асосий манба



*Талабалик йилларим. Отам ва укам Каҳрамон билан. 1954 йил.*

дарс вақтида ёзилган конспект бўларди. Довоиларингиз ҳам ёзиб олишга улгуришимиз учун лекцияларингизни ўқишарди.

Иккинчи курсга ўтганимизда бизнинг бир гуруҳимиз журналистика бўлимига айлантирилди. Хоҳлаганлар филологияда қолди, хоҳлаганлар журналистика бўлимига ўтди. Мен филологияда қолдим, ўртоқларим Раҳимжон Алиев, Дўстмурод Абдурахмонов, Саттор Облақуловлар ҳам филология бўлимида қолишди.

Талабалар ҳар йили пахта теримига жўнатилар эди. Биринчи курсда сентябрь ойида Тошкент атрофидаги колхозларда памилдори, узум йигиштиришга чиқдик. 5 ноябрда эса пахта теримига жўнадик. Вокзалда тўпланишиб, поездда кетдик. Мирзачўлдан кейинги бекетда бизни поезддан туширишди ва мотовозда усти очиқ вагонларда 2-Боёвут совхози марказига олиб боришди. Ўша куни ёмғир ёғди, усти очиқ юк ташийдиган вагончаларда ёмғирда ивиб кетдик.

Факультет 1–4 курс талабаларининг ҳаммаси 2-Боёвут совхози марказида жойлашди. Эркаклар ҳаммаси ВЦСПС клуби биносига, қизлар эса хонадонларга жойлаштирилди. Эртаси 6 ноябрда ҳам ёмғир тинмади, теримга ҳам чиқмадик. Зерикиб совхоз марказида айланиб юрдик. Шунда шу атрофларда кўчириб келтирилган тоғаларим яшаши эсимга тушиб, бир бричка аравакашидан Далварзин совхози қаерда деб сўрадим. У киши Далварзин дарёнинг нариги томонида, бу ердан анча узоқ, деди. Кейин у ерда кимингиз бор, деб сўради. Мен тоғамлар, уларнинг каттаси Умматқул тоғам номини айтдим. У киши келиб мен билан қучоқлашиб кўришди-да, «энг катта тоғангиз Раҳмонқул тоға шу совхозда туради. Эртага байрам (у вақтда 7 ноябрь байрам бўларди), мен бугун кечқурун келаман, сизни тоғангизникига олиб бораман, ўртоқларингиз билан тайёр бўлиб туринг-

лар», деди. Ўртоқларим Раҳимжон, Дўстмурод, Саттор билан кечга яқин тайёр бўлиб турдик, аравакаш араваси билан келди ва бизларни олиб кетди. Борсак Раҳмонқул тоғам (худо раҳмат қилсин) кутиб турган экан, кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, кечқурун бизни меҳмон қилди, байрам бўлганлиги туфайли ҳалиги аравакаш йигит ароқ олиб келди, ош қилинди. Хуллас, кечани яхши ўтказиб, эртаси эрталаб яна совхоз марказига олиб келиб қўйди. Ҳалиги йигит тоғамнинг куёви, оти Эргашбой экан. Бир жойга бориб, қариндошингни топишинг қанчалик гаштли эканлигини ўшанда биринчи бор ҳис этдим. Кейинги курсларда ҳар йили пахта теримига Бўка туманидаги Мичурин колхозига чиқардик, 5-курсда эса Пскентда бўлиб, декабрнинг ўрталаригача қолиб кетдик.

Университетда ўқиш йиллари ўқиш билан бирга кўп нарсаларни ўргандик. Биринчи курсда II сменада ўқирдик. Айрим вақтларда чироқ ўчиб қоларди, ўшанда баъзи талабалар шеър, монолог ўқирди. Халқ оғзаки адабиёти (фольклор)дан Гани Жаҳонгировнинг дарслари охириги параларга қўйиларди, чунки у киши кундузи ёшлар газетасида бош муҳаррир бўлиб ишлаб, кечқурунлари бизларга дарс ўтарди. Чироқсиз кунларда у киши қадимий ёзма обидалардаги шеърларни ўқиб берарди:

*Алп эртонга ўлдиму?  
Эсиз ачун қолдиму?*

3-курсда машҳур тилшунос олим, профессор Аюб Гуломов дарс бердилар. У кишининг дарсларини ҳамма жон қулоғи билан эшитар, ҳаммаёқ жимжит бўларди. Тил дарсини ҳам шундай мафтун қилар даражада ўтса бўлар экан, деб ҳайрон қолардик. Домлада ҳеч вақт конспект кўрмаганмиз, у кишида айрим варақчалар бўларди, холос.

Аҳён-аҳёнда ўша варақчаларга қараб қўярдилар. Кейинги дарсга киргач эса ўтган дарсда шундай жойга келган эдик, деб дарсни давом эттираверар эдилар. Биз талабалар у кишининг хотирасига қойил қолардик.

Доц. Ш. Раҳматуллаев ҳам устози бўлгани учун Аюб Гулом методикасини анча ўзлаштирган эдилар. Адабиётдан бизга кўпроқ Озод Шарофиддинов дарс ўтарди. Адабиёт тарихидан эса Н. Маллаев сабоқ берарди. Ҳозирги ўзбек тилининг баъзи соҳаларини С. Фердаус, С. Фузаиловлар, араб тили дарсларини Холидов, Ганиев домлалар, форс тилини Далатказина ўтарди. Бундан ташқари рус тили, рус адабиёти, фалсафа, сиёсий иқтисод, партия тарихи, логика, психология дарслари ва бошқа предметлар ўқитиларди.

Ёзги таътил вақтида мен Ўсманга келардим. Жарбулоқда кўп бўлардим. Чунки ўртоқларим, қариндошларим ҳаммаси шу ерда эди. Айниқса Ҳамид акамникида тез-тез бўлардик. Ҳамид ака ва Фотима янгамиз очиқ чехра билан кутиб олар, қўни-қўшнилари ҳам чақириб меҳмон қиларди.

Ҳаш-паш дегунча 5 йил ҳам ўтди-кетди. Талабалик йилларининг аччиқ кунларини ҳам, файзли онларини ҳам бошдан ўтказдик. Битиришимиз ҳам яқинлашди. Олдимизда қандай кунлар, истиқболлар бор, билмаймиз.

Биз гуруҳда 30 дан зиёд талаба ўқирдик. Уларнинг 8 таси йигитлар, қолганлари қизлар эди. Қизларнинг бир қисми турли шаҳарлардан келган, тошкентликлар ҳам анча-мунча эди.

Юқори курсга ўтганимизда турмуш масалалари ҳам кишини ўйлантира бошлади. Айрим қизларимизнинг тўйлари ўтказилди. Мен бирга ўқийдиган тошкентлик қиз Муҳайёхонни танлаган эдим. Чунки бу қиз одобли, ҳаёли-иболи, камтар, очиқ сўзли эди. Рўзгор ишларида ҳам анча миришкор эканлигига пахта терими вақтларида амин бўл-



ганман. Бўқада пахта теримида юрганимизда мени йўқлаб отам келган вақтда бу қизни уларга ҳам зимдан кўрсатганман. Отам розилигини олганман. Бундан ташқари, мен оиланинг катта ўғил фарзанди бўлганим учун ўқишни битиргач, албатта ота-онам ёнида бўлишимни ҳам бу қиз тахминан биларди. Шунинг учун ўқишни битиришимиздан олдинроқ отам Муҳайёхонларникига совчи бўлиб келишди. Қизнинг ота-оналари, 3 та акалари, опаси бор эди. Албатта бири рози бўлса, иккинчиси қаршилик қилган, лекин охириги сўз қизда бўлган.

Шундай қилиб, давлат имтиҳонлари олдидан ҳамма нарса келишилди, ЗАГСга ариза бердик. Давлат имтиҳонларини топширдик, дипломларни ҳам олдик.

Мен Цеховая кўчасидаги хонадонда ўртоқларим билан бирга квартирада туриб ўқиганман, олдин тўй ўша ҳовлида бўладиган бўлди. Кейин отам билан қизнинг акаси Ғани ака ўзаро келишиб, тўй Ғани аканикида ўтадиган бўлди.

1958 йил 5 июль. Тўйни ўтказиш учун Бахмалдан қавму қариндошлар, меҳмонлар келишди. Ўқиш тамом бўлгач, кўпчилик уй-уйларига кетган. Тўй йигитларсиз ўтмайди-ку! Шунда талабалик йилларимизда бизга бош бўлиб юрадиган, Тошкентда ишлаб, кечки мактабни тугатиб, биздан кейин САГУнинг тарих факультетига ўқишга кирган, илгари туманимиз социал таъминот идорасида ишлаган Хидир ака Сулаймонов жонга оро кирди. Ўша вақтда Тошкент институтларида сиртдан ўқийдиган йигитлар кўп, айти сиртдан ўқиш мавсуми экан. Хидир ака ўша йигитларни топиб тўйимизга айтиди. Тўйимиз жуда файзли ўтди. Молия институтида ўқийдиган, ўша йили Москвадаги фестивалда қатнашиб эндигина Тошкентга қайтган Холмамат Абдурахмонов тўйни жуда қизитди. Курсдошим Раҳимжон Алиев куёвжўра бўлди. Тўйда отам ёнида қариндошларимиз

Хамид ака, Чориёр акалар туриб ташкилий масалаларни ҳал этишди. Тўйдан кейин 2 кун ўтгач, келин чарларини ўтказгач, юртимизга ҳамма қариндош-уруғ келинни олиб жўнаб кетдик. Биз билан қайнонам Ойниса буви, қайноғам Ғани ака, у кишининг аёли Хусния кеннойи болалари билан, Муҳайёхоннинг қўшнилари Бахмалга келишди. Улар Бахмалда ҳам тўйимизни ўтказиб, Тошкентга қайтишди. Шу тариқа ўзим кетиб, Бахмалга икки киши, икки олий маълумотли мутахассис келдик. Энди ишга жойлашиш, Бахмалдаги ҳаётимизни бошлашимиз керак эди.



## КАТТА ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИДА

Ўсмагга кўчиб келганимиздан кейин ишга жойлашиш учун Галлаорол тумани марказига кўп қатнашга тўғри келди. Қўлимизда Самарқанд вилоят халқ таълими номига Маориф вазирлигидан берилган йўлланмаларимиз бор. Ўша вақтларда мактабга ишга жойлашиш учун туман халқ таълимидан буйруқ олинарди. Маориф бўлимига қатнайвериб, охири ундан эр-хотин икковимизга Ўсмагдаги 64-ўрта мактабга ўқитувчиликка буйруқ олдик. Туман халқ маорифи бўлими мудирини Х. Мамараҳимовнинг буйруғи билан мактабга келдик. Мактаб директори И. Низомиддинов бизни қабул қилиб, буйруқ олишга олибсизлару, бироқ дарс соатларимиз кам, она тили ва адабиёт ўқитувчиларимиз бор, деди. Мактабда она тили ва адабиётдан 2 та ўқитувчи бўлиб, улар Самарқанддаги икки йиллик ўқитувчилар институти битирган кишилар эди. Яхшиямки, олий маълумотли ўқитувчи ўша йили ишдан бўшаб кетган экан.

Хуллас, мактаб директори 0,5 ставкадан бизни ишга олди. Мактабда ишлаётган танишлар қанча соат беришса ҳам ишга ўтаверинглар, кейин соатлар кўпайиб кетади, дейишди. Шундай қилиб, 1958 йил 16 августидан Ўсмагдаги 64-ўрта мактабга ишга қабул қилиндик. 1 сентябрдан эса менинг дарс соатим 1 ставкадан кўпроқ, турмуш ўртоғим Муҳайё Содиқовага 1 ставка дарс соати ажратилди.

Мактабда Ўсмаг ва унинг атрофидаги қишлоқлардан етишиб чиққан кўпгина ўқитувчилар ишларди. Мактаб жамоасининг ёш жиҳатдан каттаси Синдор ака Ҳайдаров

эди. У киши туманимиз ва вилоятнинг бошқа туманларида раҳбарлик ишларида кўп йил хизмат қилган, оқори шу мактабнинг тарих ўқитувчиси қилиб тайинланган, (6-синфда ўқиб юрганимизда бизларга ҳам бир муддат дарс берган.) Мактабда 1958–59 ўқув йилида физика-математика бўйича Абирқул Абдуллаев, Мусурмон Бўтаев, Маҳмуд Тошбеков, Исмат Қорабеков, Гаффор Искандаров, Турабовлар, тил ва адабиёт бўйича биз эр-хотиндан ташқари Ислом Усмонов, Фотима Асқарова, кимё-биология бўйича илмий бўлим мудирини Усмонжон Мўминов (жиззахлик), Раҳим Шовалиев, Роза Нафиқова, тарих бўйича Яхшилик Абдурахмонов, география бўйича директоримиз И. Низомиддинов, у кишининг хотини Рая Абдршина, рус тили ва рус синфлари бўйича ўқитувчилар, уларнинг илмий мудирини Сидельниковалар ишлар эди. Мактабимизда Ёқутой опа деган жуда ширинсухан аёл кутубхоначилик қиларди. Менинг синфдошим Ҳазратқул Имомов эса пионерлар сардори бўлиб ишга ўтди. Шу пайтда жуда катта ҳудудда мактаб ўрта мактаб мақомига эга эди. Новқа қишлоғидан тортиб бу томони Туятортар ариғи зонасидаги Қатортол қишлоғигача бўлган ўнлаб аҳоли пунктларида 7-синфни битирганлар мактабимизнинг 8-синфига келиб ўқишни давом эттирарди. Бинобарин, 8-синфда ўқувчилар кўп бўларди. Ўша йили 4 та 8-синф бор эди. 8-«в» синфга мен, 8-«г» синфига Я. Абдурахмонов синф раҳбари қилиб белгиланган экан. Биз аввалига бунинг сирини билмаган эканмиз. Узоқ қишлоқлардан келадиган ўқувчилар рўйхати мактабимизга берилган ва улар биз раҳбарлик қилаётган иккита синфга бўлинган. Ўқиш бошланди, қарасак, ҳалиги иккита синфда ўқувчиларнинг ярмидан кўпи йўқ. Ҳар педагогик кенгашда бизга давоматни таъминламаяпсизлар, деб зугум ўтказишарди.

Ҳақиқатан ҳам ўша йиллари ўқувчиларнинг мактабга қатнаши жуда сусайган, ҳатто мактаб атрофида яшайдиган болалар ҳам дарсга қатнашмас эди.

Нима қилиш керак? Бундай тажрибани бошдан ўтказган бошқа муаллимларнинг маслаҳатига кўра Яхшилик ака билан пиёда қишлоқма-қишлоқ юрдик, бир куни менинг синфимдаги болалар яшайдиган Новқа қишлоғига, бошқа куни Сарой қишлоғига, яна бир куни Яхшилик ака синфидаги болалар яшайдиган Қатортолга тушдан кейин борардик. Ота-оналар билан гаплашардик, тушунтирардик. Баъзилар мактабни битирганда нима ҳам бўларди, деб бизга зарда қилишарди. Хуллас, бундай қишлоқма-қишлоқ юришимиз бир оз бўлса-да самара берди, давоматимиз кўтарилди.

Мактабимиз педагогик кенгашида директор билан жамоа ўртасида тез-тез тортишувлар бўлиб турарди. Шунинг учун бўлса керак, бир маҳал ҳатто «Ўқитувчилар газетаси» мухбири З. Баҳриев келиб, текширув ўтказди, катта мажлис қилди. Йўл қўйилаётган хатолар кўрсатилди, ўша мухбир «Муштум» журналида директоримиз ҳақида фелъетон чиқарди. 1958–59 ўқув йилини якунлаб, И. Низомиддинов ва у кишининг хотини Р. Абдршиналар ишдан бўшаб, Самарқанд шаҳрига кўчиб кетишди. 1959 йил ёзги таътил вақтида, яъни 7 июнда оиламизда қиз туғилиб, исмини онаси номига уйқаш қилиб Сурайё қўйдик. Қизимиз Тошкент шаҳрида туғилди ва 2–3 ойлик бўлганида Ўснатга олиб келдик.

1959 йил 1 сентябрдан мактабимизга Ғаллаоролдан М. Ўролов директор бўлиб келди. Мен мактаб илмий бўлими мудири бўлиб тайинландим. Шу йили мактабимизга СамДУни битирган Худойберган Жўраев ҳам келди. Мактабимиз ўқувчилари ҳар йили пахта теримига Самарқанд вилоятининг Жомбой туманига борарди. Шунингдек, совхознинг Тайпоқсой участкасида пахта экилиб, унга 5–7 синф ўқувчилари жалб қилинарди. Жомбойда пахта терими вақтида ўқитувчилар сменаларга бўлиниб, ҳар сменада 8–10 та ўқитувчи қатнашарди. Бир куни ноябрь байрами арафасида ош қилмоқчи бўлишди, хўжалик бўйича му-

тасаддимиз Раҳим Шовалиев ошнинг масаллиғиго, ишди лигигача олиб келиб берди. Ошни Абирқул Абдуллаев дамлади. Ош дам еб турсин деб, ҳамма ичкарига кириб, ош олдидан қиттай-қиттай қилишди, иштаҳалар каринай бўлди. Ошни сузиб келиш учун Абирқул Абдуллаев, Маҳмуд Топбеков ва бошқалар ўчоқ олдига кетишди. Бир вақт ҳаммаси сўлжайишиб қайтиб уйга киришди, нима бўлди десак, ош йўқ, қозони билан ўгирлаб кетишибди, дейишди. Ҳаммамиз ўрнимиздан туриб кетдик. Ҳаммаёқ қидирилди, қозон ҳам, ош ҳам йўқ. Шунда Мусулмон ака Бўтаев бу ишни бегона киши эмас, ўқувчиларимиз қилган, деди-да, биз турган жойдан 50 метр наридаги маккажўхоризорни қидиришни таклиф қилди. Ҳаммамиз югургилаб, ўша томонга чопдик. Борсак, ҳақиқатан ҳам ўша маккажўхоризор ўртасига ош қозони билан яширилган, устидан жўхорининг қуриган поялари ташлаб қўйилган экан. Ош ҳам иссиққина турган экан.

Мактабда ишлаб юрганимда кечки-ёшлар мактабини очишимиз хайрли ишлардан бўлди. Бир вақтлар мактабда ўқиган, лекин ҳужжат ололмаган кишилар бир йил 10-синф ҳажмида ўқитилди ва давлат имтиҳонлари олиниб, уларга аттестат берилди. Кечки мактабни 1958–59, 1959–60 ўқув йилларида битирганлар орасида Қурбонбой Норқўзиев, Ҳамид Зайниев, Гайбулла Жўлбеков, Ёқуб Мамадалиев, Вафоқул Номуродов каби туманимизга хизматлари сингган кишилар ҳам бор эди. Ҳатто бир вақтлар Қорақишлоқ райкомининг II котиби бўлган Жўлтой Бердиев, туман ижроқўми раисининг ўринбосари бўлган Йўлдош Қудратов, туман комсомол қўмитасининг I котиби бўлган Абдурахмон Асадовлар ҳам кечки мактабнинг 10-синфини битириб, етуклик аттестати олган эди.

1959–60 ўқув йилини мен илмий мудир сифатида яқунладим. Бироқ туман тугатилгач, хувиллаб қолган Ўсманнинг ҳам файзи кетди. Бутун бошли бир туман ўрнида битта совхоз тузилган, бўшаб қолган идоралар бино-

лари қаровсиз ҳолда, уларнинг айримлари четдан келган ўқувчиларга турар жой қилиб берилган, совхоз марказида битта клуб, у ҳам янги фильм келган кунлари ишлайди, холос. Умуман олганда, истиқбол кўринмасди. Шунда бизда Тошкентга қайтиш фикри тугилди. 1960 йили мени ёзги таътил вақтида бир ойга ўқитувчилар малакасини ошириш институтига юборишди. Тошкентга келиб малака ошириш институтида ўқиш билан бирга Тошкентга қайтиш борасида қариндошларга маслаҳат солинди. Бироқ энг асосий масала ота-онам розилигини олиш эди. Тошкентдан уйга қайтгач, аввал отамга маслаҳат солдим, у киши энди ёнимга кирган эдинг, бу ёғи нима бўлади, деди-да, майли, ўша ердан туриб ёрдам берарсан, лекин бир муҳим масала бор. Укаларинг ҳали ёш, мактабда ўқишяпти, Тошкентда бўлсанг уларнинг ўқишига ёрдамнинг тегиб қолар, деб розилик бердилар. Шундай қилиб, 1960 йил августининг охирларида Ғаллаоролга бориб ишдан бўшаб, меҳнат дафтарчаларимизни олиб, қайноғам Вали ака олиб борган юк машинасида Тошкентга қайнотамнинг уйига кўчиб келдик. Чунки қайнона ва қайнотам ёлғиз ўзлари туришар, ўғил-қизларининг уйлари шаҳарнинг бошқа жойларида эди. Қайнотам Содиқ қассоб номи билан машҳур эдилар, Бешёғочда у кишини ҳамма танирди, кўринишдан баджаҳл одамга ўхшасаларда, кўнгли юмшоқ эди. Қайнонам жуда юмшоқ табиатли, бир умр рўза-намозни қанда қилмаган отин аёл эдилар (уларни худо раҳмат қилган бўлсин).

Тошкентга келиб иш қидирдик, 1960 йил 9 сентябрь куни Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Фан» нашриётига муҳаррир бўлиб ишга кирдим. Худди ўша йили «Фан» нашриёти ходимларининг маоши камайиши оқибатида баъзи ходимлар ишдан кетган, шу сабабли ўринлар бўшаб қолган экан. Маоши кам бўлса ҳам бу ишга ўтишдан бошқа иложим йўқ эди. Турмуш ўртоғим Фанлар академиясига қарашли Тарих музейига лабо-

рант бўлиб ишга кирди. Музейдан Бешёғочдаги уйимни яқинида жойлашган Республика мактабгача тарбия педагогика билим юртига она тили ва адабиётдан ўқитувчи бўлиб ўтди. Пенсияга чиққунга қадар ўша ерда ишлади.

Мен эса «Фан» нашриётида узоқ вақт ишладим, олдин оддий муҳаррир, бир йил ўтгач катта муҳаррир, 1963 йилда эса таҳририят мудир лавозимига кўтарилдим. Маош камлиги учун таҳририят мудирлари илмий-текшириш институтлари штатига ўтказилиб, у ердан маош оладиган бўлди. Мен Академиянинг Тил ва адабиёт институтига катта илмий ходим қилиб ўтказилдим. «Фан» нашриётида ишлаш мен учун жуда катта мактаб бўлди. Директоримиз Ўзбекистоннинг дастлабки журналистларидан бири бўлган Аҳмаджон Ёқубов жуда ажойиб инсон, билимдон, ўта маданиятли киши эди. 1962 йил охирида шахсан ўзлари бош бўлиб менга Академия шаҳарчасида янги қурилган уйдан бир хонали квартира олиб бердилар, ўша йили июль ойида бир хонали квартирамни 2 хонали квартирага алмаштириб бердилар. У киши қатағонга учраган, кўп йил қамоқ, сургун азобини тортган ва жуда эҳтиёткор бўлиб қолган одам эди.



*Оила аъзоларимиз. 1975 йил.*



1964 йилнинг августида директоримиз Аҳмаджон  
лиқа Ёқубов вафот этди. Директор вазифасини бош  
муҳарриримиз З.А. Мильман бажариб турди. З.А. Миль-  
ман тажрибали, билимли ношир эди. Унинг қалами ҳам  
ўткир, жамоада обрўси ҳам баланд эди. 1964 йилнинг  
кузида «Фан» нашриётига Юнус Юсупов директор бўлиб  
келди. Юнус Юсупов узоқ йиллар Главиздатнинг бошлиги  
бўлиб ишлаган, Матбуот давлат қўмитаси тузилгач, Гла-  
виздат тугатилиши натижасида ишсиз қолган эди.

Юнус Юсупов нашриётга қарийб 14 йил раҳбарлик  
қилди. Юнус Юсуповнинг деярли маълумоти йўқ эди,  
биноқ бу кишидаги принципиаллик, бошланган ишни  
охиригача етказиш учун қатъий ҳаракат, давр талабини  
ўта нозиклик билан тушуниш, ҳар қандай огир шароит-  
дан усталик билан чиқиб кетиш каби жиҳатлари кўпчи-  
ликни ҳайрон қолдирарди. Мен 1966 йили бош муҳаррир  
ўринбосари қилиб тайинландим ва бош муҳаррир З.А.  
Мильман хонасида бирга ўтирадиган бўлдик. Мильман  
ҳам, мен ҳам Юнус Юсуповдан кўп нарса ўргандик. Но-  
ширлик ишимиздан ташқари матбаа ишларини ҳам ях-  
шигина ўзлаштириб олдик.

Ю. Юсупов директорлик қилган даврда нашриётимиз  
чиқариладиган китоб-журналлар ҳажми жиҳатидан Рес-  
публикадаги энг катта нашриётга айланди. Биноқ 4 минг  
босма тобоқ ҳажмдаги китоб-журналларни чиқаришни  
босмаҳонамиз эплай олмасди. Шунинг учун бизнинг бу-  
юртмаларимиз Иттифоқнинг турли босмаҳоналарига жой-  
лаштирилар эди. Бу нарса ўзини оқламади, буюртмалар-  
нинг нашрдан чиқиши кечикиб кетди. Кейинчалик бу  
хато тўғриланди, нашриёт ҳажми 3 минг босма тобоққа  
туширилди.

Нашриётда ишлаган давримда жуда кўп муаллифлар-  
нинг асарлари таҳриримдан ўтиб, китоб бўлиб чиққан.  
Ўнлаб илмий-оммабоп китобчаларни рус тилидан ўзбек-  
чага таржима қилганман. Баъзи муаллифлар қўлёзмасига

қанча таҳрир киритсанг ҳам индмис, баъданлари эса қўлёзмасига таҳририй ўзгартиришлар киритаверишнинг таъдирини норози бўлиб, баҳслашар эди. Айрим киритган таҳририй ўзгартиришлар учун дакки эшитган вақтларим ҳам бўлган. Академик Қори Ниёзий домланинг «Ҳаёт маънаси» номли эсдаликларини чиқарганмиз (1966 йил). Унинг қўлёзмасини мен таҳрир қилганман. Қўлёзманинг «Ойшахон менга табассум инъом этди» деган жумласидаги «инъом этди» бирикмасини «домлага ёрдам бериш» ниятида чиройли сўзлар билан алмаштирдим. Таҳрирдан кейин қўлёзма муаллиф томонидан кўрилиб, «инъом этди»ни ўйлаб-ўйлаб шу иборани ишлатганман, шунинг учун у ўз ҳолича қолиши керак, акс ҳолда мен хоҳлаган маъно чиқмайди-ку, дедилар. Машҳур академик, Академиянинг вице-президенти Иброҳим Мўминовнинг «Амир Темур ва унинг Ўрта Осиё тарихида тутган роли ва ўрни» китобчасини таҳрир этишим жараёнида (1969 йил) домла Амир Темур шахсининг ижодий томонини кўтариб ёзган бир жумлани «синфий ҳушёрлигим ошиб» анча андавалаб қўйибман. Домла қўлёзмани таҳрирдан кейин кўздан кечириб, мени ҳузурларига чақирдилар, анча авзойи бузуқ эди ва менга «муаллифларнинг фикрига аралашавермаслик керак», деб танбеҳ бердилар. Қўлёзмани қарасам, мен таҳрир киритган жумла аслича тикланган экан. Бу даккилар мен учун жуда катта сабоқ бўлди.

1973 йилда номзодлик диссертациям бўйича олиб борган ишларимни яқунлаб, уни ўша йилнинг 29 декабрида ҳимоя қилдим. «Юсуф Амирий асарлари тилининг тадқиқоти» деб номланган мавзунини менга катта олим, ҳозирда академик Эргаш Фозилов берган ва ўзлари раҳбарлик қилган. Ишни туталлашим ва муваффақиятли ёқлашимда бу инсоннинг ғамхўрлиги ва ёрдами катта бўлган.

Юнус Юсупов 70 ёшга киргач, пенсияга кузатилди ва 1978 йилнинг июнида Фанлар академияси Президенти

диуми мени «Фан» нашриётининг директори лавозимига тайинлади. Ана энди жуда катта ҳажмдаги ишларни ба-жаришга тўғри келди. Лекин Юнус Юсупов мактабидан ўрганганлигим туфайли бу ишда унча қийналмадим. Бундан ташқари, бош муҳаррир бўлиб ишлаб келаётган З.А. Мильман ҳам ишнинг кўзини биладиган одам эди. Ҳамма ишларни бамаслаҳат ҳал этардик.

Бу пайтга келиб «Фан» нашриётининг босмахонаси оғир аҳволга келиб қолган, 1966 йилги зилзиладан кейин ҳам яхши таъмирланмаган эди. Юнус Юсупов катта полиграфист эди, бироқ нима учун босмахонага ёрдам бермади? Гап шундаки, у кишининг босмахона директори Ҳ. Шомаҳмудов билан оралари бузилди ва ўн йил чамаси умуман босмахонага келмади, аҳволни кўрмади, фақат ре-жадаги иш унумини беришни босмахонадан талаб қилди, холос.

Натижада босмахонани реконструкция қилиш менинг зиммамга тушди. У 3 қаватли бино бўлиб, босма маши-налар парки 2-қаватга жойлаштирилган эди. Босма ма-шиналар ишлаган пайтда 1966 йилда лат еган бинонинг 3-қаватида жойлашган ҳарф терувчилар вибрация туфай-ли умуман ишлай олмасди. Бундан ташқари, вентиляция ишдан чиққанлиги натижасида бир неча киши ногирон бўлиб қолган эди. Шу туфайли бу ерда тезкор иш олиб бориш ва вазиятни ўнглаш лозим эди. Бу ҳақда Ака-демиянинг президенти академик Обид Содиқовга 1979 йил бошида хат ёзиб, вазият ҳақида маълумот бердик. Обид Содиқов нашриёт, босмахона ходимларига олим-ларнинг ишини рўёбга чиқарадиган ишчилар синфи деб жуда ҳурмат билан қарардилар, бизга қандай иш бўл-масин ёрдам берардилар. Обид ака хатни ўрганиб, теги-шли хизматларга фармойиш қилдилар, Академия ка-питал қурилиш бошқармаси бошлигига, молия-иқтисод бошқармаси бошлигига пул ва қурилиш материаллари, Академия қурилиш-таъмирлаш идорасига қурувчилар

ажратиш бўйича кўрсатма бердилар. Бу ишларга Академия президентининг умумий ишлар бўйича ўринбосари Илёс Азимов мутасадди қилиб белгиланди. Босмахонада ишлаб чиқаришни тўхтатмасдан реконструкция ишлари 2 йил давомида амалга оширилди. 2-қаватдаги машина парки 1-қаватга туширилди, ҳар бир машина учун асосий деворга тегизилмасдан алоҳида пойдеворлар қурилди, вентиляция тўлиқ алмаштирилди, 3-қаватдаги терув цехи залларига совуткичлар ўрнатилди, ифлос ҳаво сўриб олинadиган бўлди. 2-қаватда муқовачилар, китоб блокларини тахлаш ва кесиш аппаратлари ва рангли муқоваларни босадиган кичик машиналар қолдирилди.

«Фан»га раҳбарлик қилган давримда нашриёт ҳар йили илм-фаннинг турли соҳаларига оид 300 га яқин китоб-журнал чиқарарди. Нашр этилган китобларнинг бир қисми «Халқаро китоб» фирмаси орқали чет элларга сотиларди. Иккита журналимиз чет элда инглиз тилига таржима қилиниб чоп этиларди. Бу йиллар айниқса кўп жилдли академик нашрларга катта эътибор қаратилди. Абу Райҳон Беруний асарларининг сўнгги жилдлари, Абу Али ибн Синонинг 6 жилдли «Тиб қонунлари» асари ўзбек ва рус тилларида (рус тилида 50 минг нусха), 4 жилдли «Ирригация Ўзбекистана» (ҳар бир жилди 100 босма тобоқ) фундаментал нашри, Ойбекнинг 20 жилдли куллиёти сўнгги китоблари, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон тўла асарлар тўпламининг дастлабки жилдлари шу даврда чиққан. Бундан ташқари, Ҳамид Сулаймон ва Фозила Сулаймоновалар томонидан тайёрланган Бобур, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий асарларига ишланган миниатюралар альбомини нашриётимиз маблағи ҳисобига Москванинг 5-босмахонасида ва Венгрияда нашр этганмиз. Эндиликда бу альбомлар нодир нашрларга айланиб кетган.

Шўролар тузуми нашриётларга энг асосий мафкура қуроли сифатида қарар эди. Шунинг учун барча нашриётлар режасига кирадиган ҳар бир китоб Москва-

да Иттифоқ Госкомиздати томонидан муҳокама этилиб тасдиқланарди. «Фан» нашриётида чиқадиган китоблар эса Иттифоқ Фанлар академиясининг нашриёт-тахрир кенгаши муҳокамасидан ўтиб кейин Госкомиздатда тасдиқланарди.

Ҳар йили Ўзбекистондаги нашриётлар директорлари февраль-апрель ойларида Москвага, Госкомиздатга келгуси йил режасини тасдиқлашга бағишланган коллегияга келардик. «Фан» нашриётидан мен, «Ўқитувчи» нашриётидан Наримон Ҳотамов, «Ўзбекистон» нашриётидан Наим Гойилов, Фафур Гулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриётидан Жуманиёз Жабборов, «Медицина» нашриётидан Усмон Соипов, «Ёш гвардия» нашриётидан А. Ваҳобов, кўпинча бош муҳаррир Нормурод Нарзуллаев, «Қорақалпоғистон» нашриётидан Ҳамидулла Жумашев, Ўзбекистон Госкомиздати раиси Зиёд ака Есенбоев ёки унинг биринчи ўринбосари Рубен Сафаров, бош муҳаррири Эркин Бойсиновлар борардик. Москвада бўладиган тадбирларимизга Наримон ака бошчилик қиларди, бу соҳада унинг тажрибаси катта бўлиб, нафақат Москвада, балки бошқа шаҳарларга борганимизда ҳам бош-қош бўларди.

Нашриётларнинг тематик режалари анча олдин Госкомиздатга юборилар, улар обдан ўрганиб, қайси китоб режага кириши, қайсиси режадан туширилишини аниқларди. Якуни эса Госкомиздат коллегиясида кўрилар эди. Б. Пастухов деган комсомолдан чиққан киши Госкомиздат раиси эди. Унинг биринчи саволи рус тилидаги китоблар тематик режанинг неча фоизини ташкил этади, деган маънода бўларди. Мен жуда осон қутулиб кетардим, чунки Академиянинг тадқиқотлари ўша пайтлари асосан рус тилида олиб борилар, бинобарин, нашриётга топшириладиган қўлёзмаларнинг қарийб 80 фоизи ҳам русча бўларди. Бошқа нашриёт директорлари анча қийналишарди.

1984 йил июнида Ўзбекистон компартиясининг мажлум XVI пленуми бўлиб ўтди. Бу пленум ўзбек халқи унинг миллий кадрлари бошига оғир кулфатларни келтирди, бўшатирилганлар, ишдан олинганлар, қамалганлар ўрнига Россиядан чақирилган «десантчи»лар тайинланди. Пленум қарорларини «бажариш учун» Марказқўмга, ҳукумат идораларига, Олий Кенгашга, вилоятларга иккинчи раҳбарлар Россиядан келтирилди. Улар расман иккинчи бўлса-да, бироқ биринчи раҳбар тизгинини ўз қўлига олган эди. Шуларнинг ҳукми билан иш қилинарди. Айрим вилоят фирқа қўмиталарининг 1-котиблари лавозимини ҳам Москвадан келганлар эгаллади. Ҳатто Тошкент шаҳар фирқа қўмитасининг 1-котиби лавозимига ҳам Москвадан келган одам қўйилган эди. Ўша йилнинг сентябрида Фанлар академиясининг умумий мажлиси бўлиб, Академияга 18 йилдан кўпроқ раҳбарлик қилган, ажойиб инсон Обид Содиқов ҳам лавозимидан бўшатилиб, ўрнига янги раҳбар сайланди.

Нашриётимиз бош муҳаррири ўша йилнинг декабрида вафот этди. Академия вице-президенти Э. Юсупов «Фан» нашриётига мутасаддилик қиларди. Бош муҳаррир ўрнига у киши билан маслаҳатлашиб нашриёт ишларини яхши биладиган бир номзод топдик, лекин Академия раҳбари уни тайинламади. Анчадан кейин нашриёт ишидан умуман беҳабар бир арабшунос «Фан» нашриётининг бош муҳаррири қилиб тасдиқланди. 1985 йилда нашриёт бўлим раҳбарларини аттестациядан ўтказиш навбати келган эди. Бош муҳаррир бошчилигида комиссия тузилиб, аттестация ўтказилди. Энг инсофли, ҳалол ишлайдиган айрим таҳририят раҳбарлари, бош муҳаррир ўринбосари аттестациядан ўтказилмабди. Аттестация хулосаси низом бўйича директор тасдиқлагандан кейин кучга кирарди. Мен аттестациянинг қарорини тасдиқламадим ва у кишилардан айримлари ҳозиргача «Фан» нашриётида хизмат қилмоқда, ҳатто бош муҳаррир лавозимида

муваффақиятли ишламоқда. Шундан билдимки, бу араб-шунос ҳам бизга махсус жўнатилган экан.

70-йиллар охиридан полиграфия соҳасига янги технологиялар кириб кела бошлади. Бизнинг босмахона эса ҳамон эски технологияда ишларди, матн асосан лнотип машиналари ва қўлда териларди. Шунинг учун академиянинг янги Президентига шу масала бўйича мурожаат этдим, 1985 йил сентябрининг биринчи кунларида у кишининг қабулида бўлдим. Президент 1987 йилдан босмахона ҳудудидаги бўш жойга янги технологиялар билан жиҳозланиши кўзда тутилган босмахона қурилишини бошлаш ҳақида капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи Стравчинскийга топшириқ берди ва қурилишнинг лойиҳа-сметасини тайёрлашни айтди. У кишининг олдидан хурсанд бўлиб чиқдим ва ўша йилнинг сентябрида Москвада бўлган жаҳон китоб кўргазма-ярмаркасида Ўзбекистон Республикаси Госкомиздатининг раиси С.Ш. Қурбоновга раҳбаримизнинг янги босмахона қуриш ҳақидаги топширигини гапириб бердим.

1985 йил охирида «Фан» нашриётининг 50 йиллиги бўлиб ўтди. Бу тадбир Академиянинг бир умумий йиғилишида менинг маърузамни тинглаш билан бир зумда ўтказилди. Ҳатто унда нашриёт жамоаси ҳам қатнашмади. 1986 йилнинг баҳор ойларида мени Марказқўмга чақиришди. Кирсам, стол устида 60-йиллар охири ва 70-йиллар бошида нашр қилинган «Зафарнома», «Амирий девони», «Из истории кокандского ханства», «Уложение Тимура» китоблари турибди. Масъул ходим бу китоблар нимага чиқарилган деб сўради, мен эса бу китоблар бундан 15 йил олдин нашр қилинган, менинг давримда эмас, дедим. У киши Сиз ўшанда ҳам нашриётда ишлагансиз, жавоб беришингизга тўғри келади, деб алоҳида ургу билан таъкидлади. Мен бу масала 1973 йил 13 июнида Марказқўм бюросида кўриб чиқилганлигини, йўл қўйилган камчиликлар учун

одамлар жазоланганлигини у кишига эслатдим. Бошқа ҳеч гап бўлмади, нимага чақирди, нима демоқчи, мен билолмадим.

1986 йилнинг май ойи бошларида Академия президенти «Фан» нашриётида кейинги 5 йил ичида чиққан китоблар кўргазмасини Академиянинг Асосий кутубхонасида тайёрлаш тўғрисида кўрсатма берди. Кутубхона директори Наби Умаров (худо раҳмат қилсин) билан 10 кун мобайнида кўргазмани тайёрладик, китоблар ҳар бир фан соҳаси бўйича жойлаштирилди. Ниҳоят, кўргазма бўладиган кун 20 май деб белгиланди. Ўша куни Академия институтларининг директорлари, директор ўринбосарлари келиб зал тўлди. Академия раҳбари сўзлай бошлади ва бирдан нашриёт соҳасида фақат орқага кетиш содир бўлмоқда, китоблар сифати пасайиб кетмоқда, «Фан» нашриёти босмахонаси хароб ҳолга келиб қолган, нашриёт директори бу ишлардан четда турибди, эътибор бермаяпти, деди. Ҳамма ҳайрон, чунки 5 йилда чиқарилган 1000 дан ортиқ китоблардан иборат салмоқли кўргазмани улар кўздан кечирган, нашриёт ишидан ҳар ҳолда қониқиш ҳосил қилинган эди. Мен сўз олдим ва нашриёт чиқарган китоблар халқаро кўргазма-ярмаркада яхши баҳо олаётганлигини, босмахона реконструкция қилиниб, ҳозир бинойидек ишлаб турганлигини, буни шу залда ўтирган босмахона директори тасдиқлаши мумкинлигини гапира бошладим. Шунда ёнма-ён ўтирган Иқтисод институти директори академик Омон Ҳикматов костюмимнинг барида тортиб имо билан фойдаси йўқ дегандай қилди, мен у кишининг огоҳидан кейин ўтирдим. Раҳбардан кейин лаганбардорлар ҳам гапира кетди, уларни яхши эшита олмадим ҳам. Катта нима деса ўшани такрорлайдиганлар ҳам кўп бўлар экан. Мажлисдан кейин менга кўплар тасалли беришди. Айниқса тарихчи профессор, Тарих институти директори ўринбосари Ҳамид ака Зиёев олдимга келиб шунча ишлаб, яна дашном эшитганимга астойдил ачинди. Бундай



ачиниш кўпларнинг дилидан ўтди, чунки улар келиб қўлимни сиқиб кетишар, далда беришарди. Шундан кейин мен нашриётда узоқ ишлай олмаслигимни билдим, ҳатто ўша куни Тил ва адабиёт институти директори проф. Б. Назаровга ярим ҳазил-ярим чин қилиб, мен учун битта ўрин топиладими, дедим. Мажлис тамом бўлгач, ҳалиги биринчи бўлиб гапирган археолог олимни кутиб турдим, кўриб яхши карнайчилик қилдингиз, худо сизга ҳам кўрсатар, деб яна бошлаб сўқдим-да, анча ҳовуримдан тушдим. Шундан кейин Академия раҳбари мени чақирмади, мен ҳам олдига кирмадим. Дўстларимнинг айримлари олдига кириш, дейишларига қарамасдан, мен бу ишни қилмадим.

1986 йил 5 июль куни Ўғлим Шукруллани армияга жўнатдик. Политехника институтининг 1-курсини тугатиб, 2-курсга ўтган эди. Ўша йили Чернобиль фожеаси юз берган, ҳамма ўз болаларини у томонларга юбормаслик учун зир югурар эди. Ўғлим армияга Николаев шахрига жўнатилди. Бу шаҳар Чернобилдан анча узоқда экан, бир оз хотиржам бўлдик.

1986 йил 9 июль куни ишга келдим. Тахминан соат 10 ларда вице-президентимиз Э. Юсупов олдиларига чақирди ва «катта» Сиздан ариза талаб қиляпти, мен ҳеч иложини қилолмадим, деди. Мен ўша заҳотиёқ Э. Юсупов кабинетида ариза ёзиб бердим. Тушга яқин мен ҳақимда Фанлар академиясининг фармойиши чиқди, унда «Фан» наشريёти директори вазифасидан озод этилсин ва ЎзФА Тил ва адабиёт институти терминология бўлимига катта илмий ходим қилиб ўтказилсин, дейилган ва институтга қўшимча 1 штат ажратилган эди. Шунисига ҳам шукр, деб наشريёт жамоаси билан хайрлашдим ва кўч-кўронимни кўтариб уйга келдим ҳамда бўлган воқеани оиламга айтиб, уни тинчлантирдим.

1986 йилнинг 10 июлидан Тил ва адабиёт институтига ишга келдим. Мени институт одамлари яхши қабул

қилди, бу ерда менинг дўстларим, университетни бирга битирган курсдошларимнинг анча-мунчаси ишлар эди. Ўша йилнинг 4 сентябрида фойдаланилмаган таътилимни олиб, ўғлимни кўриш учун оилам билан Николаевга жўнадим. Тошкентдан самолёт Одессага учар экан, Ворошиловградда бир тўхтаб тонг саҳарда Одессага етиб келдик. Тошкентдан бирга учиб келган бир оила ҳам Николаевга борар экан. 4 киши бўлиб, битта машина олиб Николаевга чамаси 100 км юриб етиб келдик. Машина тўғри ўғлим хизмат қиладиган қисмга олиб келиб қўйди. Қарасак, дарвоза олдида ўғлим билан хизмат қиладиган ўзбек болалар хизматга жўнаётган экан, Шукруллани дарҳол чақириб келишди. Командири асли чирчиқлик корейс офицер экан, ўғлимизнинг ўша куни биз билан бирга бўлишига рухсат берди. Бир танишимиз Николаевдаги институтлардан бирининг раҳбари эди, мен унга телефон қилиб бизга жой тўғрилаб қўйишини сўрагандим. Мен Николаевга келиб унга телефон қилдим, бизга шаҳар марказидаги ҳарбийлар меҳмонхонасидан жой олиб қўйишган экан. У билан кўришиб қовун, узум совға қилдим. Николаевда 5 кун турдик. Шинам, озода шаҳар экан. Оилам меҳмонхонада ош дамлади, ўғлимнинг ўртоқлари келишди, уларни меҳмон қилдик. Ўғлимиз деярли ҳар куни биз билан бирга бўлди. Бироқ қайтишга билет олмаган эканмиз, Николаевдаги аэрокассадан билет сўрасак, Тошкентга яқин кунларга билет йўқ дейишди. Майли, Одессадан олармиз, деб бежавотир юридик. Ўша пайтда тошкентлик бир дўстимиз Леонид Ефимович Спектр Одесса санаторийларидан бирида дам олаётганлигини билиб хотини Ларисадан унинг телефонини ҳар эҳтимолга қарши олган эдик. Мен унга телефон қилдим. У эса Одессадан сал чеккароқдаги Тоирово деган жойдаги ҳарбийлар меҳмонхонасидан жой топиб берди. Келиб жойлашдик-да дарҳол самолётга билет олиш учун кассага бордик. Борсак, яқин кунларга билет йўқ, 18 сентябрга билет олдик. 8 кун кутиш керак. Яна Лео-

нид Ефимовичга телефон қилдим. У эса бир-икки соатдан кейин телефон қилишимни сўради. Яна телефон қилдим, у эса биз турган меҳмонхона директорига телефон қилинг, тўғрилаб беради, деди. Меҳмонхона директори аёл киши эди, келган кунимиз ош дамлаб, уни меҳмон қилган эдик. Ҳалиги аёлнинг уйига кечқурун телефон қилдим. У эрталаб Одесса аэропортидаги ҳарбий комендатурага боришимни айтди. 12 сентябрь куни эрталаб комендатурага бордим, 2 та бронь тайёрлаб қўйишган экан, 13 сентябрга билет олиб, олдинги билетимни қайтариб бердим. Ўша куни соғ-саломат Тошкентга қайтиб келдик.

Нашриётдан кетганимга бир йилдан ошди, институтда мавзу олиб тинчгина ишлаётганимда Академия раҳбарияти илтимосига кўра нашриётга раҳбарлик қилган давримнинг 5 йилини Ўзбекистон Республикаси халқ контроли қўмитаси 1987 йилнинг август ойида 5 кишидан иборат комиссия билан тафтиш қилди. Тафтишчиларга бир вақтлар ўзим бўлимга бошлиқ қилиб қўйган бир нонқўр аёл роса хизмат қилди, турли бўҳтонлар, маълумотлар билан тафтишчиларни таъминлаб турди. Академия халқ контроли гуруҳининг раҳбари И. Кожевников қандай бўлмасин жинойий элемент топиш иштиёқида ёнди (унга ҳам худо кўрсатди, оғир касал бўлиб, азоб-уқубатларда жон берди).

Бироқ халқ контролининг 3 инспектори, бошқа мутахассислар иштирокидаги бу тафтиш улар кутган натижани бермади, штат соҳасидаги айрим нуқсонлар, молиявий жузъий камчиликлардан бошқа ҳеч нарса топилмади. 1987 йил сентябрининг бошида мени Республика халқ контроли қўмитасига чақиришди. Кўрсатилган камчиликлар бўйича тушунтириш хати ёзиб бердим.

1987 йилнинг 4 декабрида Академия раҳбари бошчилигида тафтиш хулосалари ва Халқ контроли қўмитасининг қарорига бағишлаган мажлис бўлди. Мажлисда нашриёт ходимлари ва мен ҳам қатнашдим.

Контроль қўмитасининг бўлим бошлиғи Т. Хонқўшев қўмитанинг қарори билан таништирди. Менинг директорлик вазифасидан бўшатирилганлигим маълумот учун қабул қилинибди, бош бухгалтерга 1 ойлик маоши миқдоринда жарима солинибди. Кейин бирдан нашриёт ходимлари ўртасида ўзаро даҳанаки жанглар бошланиб кетди. Раҳбар эса менинг қатнашганлигимга раҳмат айтиб кетишимга рухсат берди.

Айтгандай, мен нашриёт директорлиги лавозимидан кетгач (1986 йил 9 июль) ўрнимга юқорида айтган бош муҳаррир арабшуносни директор қилиб тайинлашди. У ишни ярим йил ҳам эплай олмади, лавозимига нолойиқ кўрилиб, ишдан олинди. Кейин 1987 йилда Академия аппаратида ишлаётган Адҳам Юнусовни директор қилиб тайинлашди. У нашр ишларидан бутунлай беҳабар бир одамни бош муҳаррир, яна бирини эса бош муҳаррир ўринбосари қилиб олиб келди. Нашриёт жанжалнинг маконига айланди, жамоа иккига бўлиниб қолди, муҳит ёмонлашди, вазият кескинлашди, директор устидан шикоят кўпайди, комиссия устига комиссия келди. Оқибатда «Советская культура» газетасининг 1988 йил 3 март сонидида «В зоне «особого уважения» номли катта фельетон чиқиб, «Фан» нашриётининг директори бўлиб ишлаётган А. Юнусов қаттиқ танқид остига олинди ва шу асосда у ишдан кетди.

Энди нашриёт директори лавозими сайлов асосида ўтадиган бўлди. Нашриёт ходимларининг кўпчилиги менинг директорликка номзод сифатида ҳужжат топширишимни сўрашди, Академиянинг баъзи раҳбарлари ҳам шундай фикр билдирди. Айниқса, бирга ишлашган ҳамкасбларим илтимосини ерда қолдирмай, Академия кадрлар бўлимига сайловда қатнашиш учун ҳужжатларимни топширдим. Бироқ О. Лебедев дегани Халқ контроли қўмитасининг эски қарорини кўтариб, нашриёт ходимларига яна кўрсатибди. Мен эртасигаёқ ҳужжатларимни қайтариб олдим.

Илгари «Ўқитувчи» нашриётида узоқ вақт директорлик қилиб, кейинги йилларда Педагогика илмий тадқиқот институтида ишлаётган Н. Ҳотамовнинг директор бўлиб сайланишида мен ҳам ўз ҳиссамни қўшдим.

«Фан» нашриётида 26 йил ишладим. Нашриётчилик ишига баҳоли қудрат ҳисса қўшдим. Охирида ишдан кетишим рисоладагидек бўлмаган бўлса-да, мен ундан ўқинмайман, чунки шароит, муҳит шунақа эди. Аксинча, нашриётда ишлаганимдан мамнунман. Чунки мен бу ерда жуда кўп ёр-биродарлар орттирдим, кўпларга ёрдам қилдим, ёрдам беролмаган пайтларим эса яхши сўзлар билан кейинчалик бажаришга ваъда бердим. Нашриётда ишлаган кезларим менга 3 марта квартирамни алмаштиришга имкон беришди, охириги марта уни 1968 йили кенгайттирдим. 1973 йили декабрида филология фанлари номзоди илмий даражаси учун диссертация ёқладим ва 1974 йил июнида тасдиғини олдим. 50 ёшга тўлишим муносабати билан Академия тавсияси билан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонига сазовор бўлдим, Олий Кенгашнинг бир неча фахрий ёрлиқларини олдим. Тўю ҳашамларимни ўтказдим. Кўп шаҳарларни кўрдим, курортларда бўлдим.

Машҳур олимлар – Қори Ниёзий домла асарларини, Иброҳим Мўминов асарларини, Теша Зоҳидов асарларини таҳрир этиш жараёнида улар билан яқин мулоқотда бўлдим, назарига тушдим. Обид Содиқовдек дунё таниган академикнинг бевосита раҳбарлигида қанча йиллар эмин-эркин ишладим.

Бунинг ҳаммаси учун Оллоҳга шукр, дейман. Нашриётда шогирдлар етиштирдим, улардан бири Умрзоқ Зокиров ҳозир «Фан»да бош муҳаррир, яна бири – Маъмура Содиқова таҳририят мудирини бўлиб ишламоқда.

1984 йилда бўлиб ўтган XVI пленумнинг мудҳиш қарорларини «бажариш» баҳонасида турли «тадбирлар» ишлаб чиқиларди. Десантчилар ва ўзимиздан чиққан

малайлар энди миллатимиз қадриятларини топташ, йўқ қилиш йўлига ўтганди. Мен 1986 йил март ойининг ўрталарида Марказқўм биносида бўлган бир мафкура йигилишида «Фан» нашриётининг директори сифатида қатнашганман. Ўшанда Марказқўм мафкура соҳасини бошқарадиган «арбоб» аёлнинг энди Наврўз байрам қилинмайди, у шарқ регионининг маросими, биз эса СССР региони халқларимиз, шунинг учун Наврўзнинг бизга алоқаси йўқ, дегани худди бугунгидай эсимда турибди. У ўша мажлисда фикрини давом эттириб, нима учун мусулмонлар бир қабристонга, христианлар бошқа қабристонга қатнайди, буни ҳам ўйлаб кўришимиз керак, деб ҳатто қабристонларни ҳам «интернационаллаштирмоқчи» бўлгани ҳануз кўпчиликнинг эсида. Бу «арбоб»нинг кўрсатмаси билан қанча муқаддас жойлар бузилди, зиёратгоҳлар ёпилди. Ўша йиллари акаси вафот этганда дафн маросимида қатнашган академикнинг партиядан ўчирилиб, ишдан олинганлигини, мансабдор шахсларнинг ота-онаси, қариндош-уруғлари вафот этганда дафн маросимида қатнашмаслик учун ёлгон командировка қилиб кетиб қолганлигини эшитмаган одам бўлмаса керак.

Булардан ташқари, «пахта иши» деган иғво билан шугулланган терговчилар Гдлян ва Ивановлар халқимиз бошига мусибатлар солаётган бўлса, десантчилар халқлар ўртасида нифоқ уруғини сочиш, улар орасида низолар чиқариб, ўз ҳукмини янада мустаҳкамлаш ниятида эди. 80-йилларнинг охирига келиб вазият кескинлашди, юртимизнинг баъзи жойларида низолар, жанжаллар кўтарилди.

Ана шундай оғир вазиятда И.А. Каримов 1989 йилнинг июнида мамлакатимизнинг биринчи раҳбари қилиб сайланди. И. Каримов энг аввало юртимизда вужудга келган хавфли вазиятни бартараф этди ва бу билан халқимиз бошига тушиши мумкин бўлган оғир кулфатларнинг олдини олди. Юртимизда ҳукм сураётган десантчиларнинг таноби тортилди.

Юртбошимиз ҳали СССРдек давлат турганида ҳам ундан қўрқмасдан ўз фикрини ўтказди, халқимиз манфаатини кўзлаб иш тутди. Турли азоблар, камситишлардан эзилган халқимизнинг қаддини кўтариш учун ўзини аямади. Юртбошимиз ташаббуси билан она тилимиз тўғрисида чиққан олдинги лойиҳа ўрнига янги лойиҳа ишлаб чиқилди. Чунки олдинги лойиҳа «Ўзбекистонда тиллар ҳақида»ги қонун деб номланиб, унинг мазмунига ҳам ўзбек, ҳам рус тилига давлат мақоми бериш нияти усталик билан сингдирилган эди Шундан кейин давлат тили ҳақидаги қонуннинг иккинчи лойиҳаси қабул қилинди ва у «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги Қонуни лойиҳаси деб аталди. Ана шу лойиҳа асосида 1989 йил 21 октябрда «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинди. Бу қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон ҳаётида катта воқеа бўлди. Ундан кейин юртбошимиз ташаббуслари билан Наврўз байрамимиз ҳам тикланди.



*Атамашунослик қўмитаси. Ҳ. Холмедов, Ҳ. Бектемиров,  
Одил Ёқубов, А. Ҳасанов, Б. Раҳимов. 2002 йил.*

1991 йил 31 августда И.А. Каримов томонидан эълон қилинган мустақиллигимиз эса Ўзбекистон тарихида юз

берган энг олий мақом бўлди. Чунки 130 йил тутқунликда сақланган, ўша вақтларда ҳам шўролар исканжасида бўлган халқимизни қурбонларсиз озодликка чиқаришнинг ўзи бўлмасди, бунинг учун катта юрак, жасорат, қатъият билан бирга, миллатни севиш, миллат гами билан яшаш каби буюк туйғу эгаси бўлиш керак эди. Ана шундан Ватанмиз тарихида янги саҳифалар бошландики, бу саҳифалар ҳар куни, ҳар йили бунёдкорлик ишлари билан бойиб бормоқда.

Юқорида айтганимдай, «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинди, уни амалга ошириш учун Вазирлар Кенгаши томонидан «Давлат дастури» тасдиқланди. Давлат дастурида Вазирлар Кенгаши ҳузурида Республика атамашунослик қўмитасини тузиш белгиланган эди. Дастурга биноан 1989 йил 26 декабрида Вазирлар Кенгашининг Республика атамашунослик қўмитасини тузиш ҳақидаги фармойиши чиқди. Ўша фармойиш билан ЎзФА мухбир аъзоси Ғ. Абдурахмонов раис, мен эса раис ўринбосари этиб тайинландик.

1990 йил бошидан Вазирлар Маҳкамасининг ўша фармойиши асосида мен Тил ва адабиёт институтидан Атамашунослик қўмитасига раис ўринбосари қилиб ўтказилдим. Шунингдек, раисимиз, мутахассисларимиз ҳам олдин шу институтда ишлар эди, улар ҳам Атамашунослик қўмитасига ўтказилди.

Дастлабки йили Атамашунослик қўмитасида ишлар жуда кўп бўлди. Чунки штат оз, иш ҳажми катта эди. Шунинг учун кўп вақтимиз ташкилий ишларга кетди. Турли соҳа фанлари бўйича жамоатчилик асосида ишлайдиган бўлимлар туздик, уларнинг таркиби, раҳбарларини белгиладик. Ҳар бирида ташкилий мажлислар ўтказдик, бўлимларнинг иш тартибини белгиловчи ички низомлар ишлаб чиқдик. Қўмита ташаббуси билан газеталарда «Атамалар бурчаги» ташкил этилди. Бироқ давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилиниши ва қонун

қабул қилингандан кейинги даврда термин (атама)лар қўлланишида ҳар хилликлар кучайди. Маълумки, тилимизда четдан кирган байналмилал терминлар мавжуд ва у ҳар бир даврда бўлган. Айрим кишилар тилимиздаги бундай сўзларни ўзгартиришга киришдилар. Ҳатто тилимизга сингиб, ўзлашиб кетган газета, журнал, институт, аэропорт каби халқаро терминлар ҳам рўзнома, мажалла, олийгоҳ, тайёрагоҳ тарзида ёзила бошлади, бугина эмас, жуда кўп терминлар шу тариқа араб, форс тилларидаги сўзлар билан алмаштирилмоқда эди. 90-йилларда бундай ҳаракатлар кучайиб кетди. Бу ҳақда турли мақолалар эълон қилиниб, эндигина ташкил бўлаётган Атамашунослик қўмитаси танқид остига олинди. 1991 йил бошида расимиз ишдан кетди. Шу йили мен қўмитага раҳбарлик қилиб турдим. 1991 йил март ойида биринчи марта терминларни тартибга солиш бўйича республика илмий-амалий конференциясини ўтказдик. Унда терминларни тартибга солиш бўйича тавсиялар қабул қилинди. 1991 йил октябрида Атамашунослик қўмитасига Ўзбекистон халқ ёзувчиси, атоқли адиб Одил Ёқубов раис қилиб тайинланди. Кейинги йилда русча-байналмилал терминларга ўзбекча муқобил танлаш принциплари ишлаб чиқилди, 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси матнидаги атамалар тўпланиб, луғат тартибига келтирилди. Унда Конституция матнидаги атамаларни айнан қўллаш зарурлиги уқтирилди. Одил ака келиши туфайли газеталар таҳририяти билан алоқалар кенгайди, «Ўзбекистон овози» газетасида 1992 йилда «Қайси бири маъқул» рукнида байналмилал атамалар ва уларнинг ўзбекча муқобиллари газетхонлар муҳокамасига қўйилди. Жуда кўп таклифлар олдик ва шулар асосида тавсиялар тайёрлаб, Вазирлар Маҳкамасининг давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш комиссияси мажлисла-рида тасдиқлатиб, матбуотда эълон қилиб бордик. Бу ва-зифаларни бажаришда Атамақўм ходимлари Н. Қосимов,



Ҳ. Холмедов, А. Ҳасанов, Л. Рамазонова, М. Исоқова, С. Содиқовлар фаол қатнашишди. 1995 йил 21 декабрида қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг янги таҳрири 7-моддасига биноан бизнинг тавсияларимиз Олий Мажлиснинг фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида кўрилиб, амалиётга жорий этиладиган бўлди. Шундай қилиб, атамалар қўлланиши аста-секин йўлга қўйила бошлади. Кейинги йилларда ҳам бу иш давом этмоқда, турли атама луғатлари, атамашуносликка доир рисоалар чиқиб турибди.

Баъзилар Одил Ёқубов катта ёзувчи, бироқ тилшунос эмас, шунинг учун атамашуносликни эплай олармикин, деган гумонларни ҳам айтишди. Лекин 2–3 йилда Одил ака атамашунослик масалалари бўйича етук мутахассислар билан беллашиш даражасига етиб олдилар. Ёзувчининг асосий қуроли сўз, у сўзнинг энг нозик маъноларини ҳам илғай олади. Худди шу каби, қайси атама муайян тушунчанинг аниқ маъносини бера олади, қайсилари бера олмайди, каби масалаларга ечим топишда ҳам Одил акага тан бериш керак.

У киши ўз ходимларига жуда гамхўр инсон, ҳолаҳволимизни ҳаминша сураб-суриштириб туради, зарур бўлганда ёрдамини аямайди. Одил Ёқубов катта билимга эга, интеллектуал салоҳияти жуда кенг одам, у кишининг билган, ўқиган, ёзган нарсаларига ҳавас билан қараймиз. Одил Ёқубов ҳамон 2 та ташкилотда – бири Ўрта Осиё халқлари маданияти ассамблеясининг биринчи вице-президенти ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика атамашунослик қўмитасининг раиси лавозимларида ишлаб келмоқда. Ҳар куни ҳар икки ташкилотда бўлади, у ерлардаги муаммолар билан шугулланади.

Атамақўм ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини жорий этиш комиссияси тадбирларида ҳам фаол қатнашади. Шу жумладан, мен бу комиссиянинг

турли вазирликлар, идоралар, вилоятларда Давлат тили ҳақидаги қонуннинг ижроси бўйича ўтказган барча текширувларида қатнашиб келаман. Комиссияга айниқса Шухратжон Ризаев котиблик қилган йилларида (бу киши ҳозир Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуи котибияти мудирининг ўринбосари), шунингдек, Оллоберган Омонов котиблик қилаётган ҳозирги вақтда жуда яқин муносабатда биргаликда иш олиб бормоқдамиз.

Атамақўмда раис ўринбосари бўлиб ишлаш билан бир қаторда мен атамашуносликнинг илмий масалалари, амалий жиҳатлари билан шугулланиб бир неча рисола, кўплаб илмий мақолалар ёздим, лугатлар туздим ва нашр эттирдим. «Давлат тилидаги қонун ва атамашунослик масалалари» (Одил Ёқубов билан ҳамкорликда), «Мустақиллик даври атамалари» рисолаларим чиқди. Менинг раҳбарлигимда тузилган «Хуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар» лугати эълон қилинди. 20 босма тобоқдан ортиқ бўлган йирик ҳажмли «Русча-ўзбекча юридик атамалар лугати» (Ғ. Аҳмедов билан ҳамкорликда) эса яқинда нашр қилинди. Бу юридик лугатдан ҳозир кенг фойдаланилмоқда. Атамақўмдаги хизматларим тақдирланиб, 1999 йилда «Шухрат» медали билан мукофотландим.

Ўйлаб кўрсам, асосий меҳнат фаолиятимни бошлаганимга ҳам 50 йилдан ошибди. 1952 йили ўқитувчиликдан бошланган фаолиятим у ёки бу тарзда илм-маърифат билан боғлиқ ҳолда давом этмоқда.

Оиламиз турмуши ҳар доим ўртача кечди, бировдан олдин, бировдан кейин деганидек, умргузаронлик қилмоқдамиз. Умр йўлдошим Муҳайёхон тинч-хотиржам яшашимиз, борини болдай қилиб турмуш кечиришимиз учун астойдил ҳаракат қилади.

Қизим Сурайёхон турмуш ўртоғи Зухриддинжон билан Тошкентнинг Юнусобод даҳасида яшашади. У Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини тамомлаб, дастлаб Фанлар академиясининг қўлёзмалар

институтида ишлади, кейин болалари ўқийдиган, уйига яқин жойдаги 220-мактабга она тили ва адабиёт ўқитувчиси бўлиб ўтди. Ҳозир 1-тоифали ўқитувчи, Кубим Зухриддинжон Политехника институтининг охиқовқат технологияси факультетини битириб, шу соҳада ишламоқда. Уларнинг оиласида икки фарзанд – қизи Умидахон, ўғли Сарваржон вояга етмоқда.

Ўғлим Шукруллажон Тошкент техника университетини тугатиб, ҳарбий соҳада ишламоқда. Келиним Яйраҳон Жаҳон тиллари университетини битирган, ҳозир Тошкентдаги гимназияда дарс бермоқда. Уларнинг қизи Маликаҳон, ўғли Шухратжон ўша гимназияда ўқишмоқда.

Фарзандларимиз туфайли қуда-андални бўлганмиз. Катта қудамиз, яъни куёвимнинг онаси Фазилат она оламдан ўтганлар. Улар 10 болани тарбия қилган, кўпни кўрган оқила аёл эдилар. Келинимнинг ота-оналари, кичик қудаларимиз – Фатҳулла Маҳмудов ва Марғубаҳонлар бизга яқин жойда туришади. Улар билан олдиндан қадрдон эдик. Фатҳулла ака масъул лавозимларда ишлаган, ҳозир эса пенсияга чиқиб, маҳалла фуқаролар йигинига раислик қилмоқда. Марғубаҳон эса бир умр ўқитувчилик қилган.

Укаларимнинг ўқишида баҳоли қудрат ёрдам бердим. Каттаси Акбарали Низомий номидаги пединститутни битириб, Баҳмалда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Қаҳрамонжон эса СамДУнинг география факультетини битириб, олдин мактабда, бир неча йиллардан буён эса туман ҳокимлигида хизмат қилмоқда. Абдуманнон Олий милиция мактабини битириб, майор унвонида пенсияга чиқди. Кенжамиз Абдумалик Самарқанд архитектура-қурилиш институтини тугатиб, номзодлик диссертациясини ёқлаб ўша институтда олдин доцент, ҳозир эса кафедра мудири лавозимида ишламоқда. Келинларимиз Зевар, Қурбоной, Гулбаҳор, Лолахонлар ҳам ишлашади.

Ўзим Тошкентда яшасам-да, ҳеч вақт юртимни – Баҳмални эсдан чиқарган эмасман. Қавму қариндошлар билан

ҳамиша алоқадаман. Юртимизда жуда кўп қадрдонларим бор. Қариндошлар, қадрдонларнинг яхши-ёмон кунларида бирга бўлишга ҳаракат қиламан.

Бу юрт одамларининг тўйлари жуда серфайз бўлади. Бундай тўйлар бўлганда фақат оила аъзоларимиз эмас, балки Тошкентдаги қадрдонлар, қўшнилари – йирик олимлар билан бирга тўйга борган вақтларимиз кўп бўлган. Улар қадрдон дўстим, мактабда бирга ўқиган, ҳозир Галлаоролда турадиган Абдуғани Ҳаққулов тўйида, укам Акбаралининг ўғил тўйида, жияним Неъматулланинг ўғил тўйида, Ҳамид акам Зайниевнинг тўйида, Раҳматулла акамнинг фарзандларини уйлантириш тўйида, қадрдоним Бегимқул ака Норқўзиевнинг фарзандларини уйлантириш тўйида, Новқалик қариндошимиз Очил Холмирзаевнинг тўйида қатнашган ва бир неча бор бахмалликларнинг азиз меҳмони бўлишган. Булар кимёгар олимлар – профессор Самад Ақромов, профессор Аббосхон Умаров, биолог профессорлар Ҳотам Самиев, Жуманиёз Қутлиев, филолог олимлар – профессор Содир Эркинов, профессор Тўра Мирзаев, геолог профессор Маҳмуд Шерматов, физик олим академик Раҳим Бекжонов, тилшунос Дўстмурод Абдураҳмонов, қўшнимиз банк ходими Муборак ака, қайногаларим Абдумалик ака, Вали акалар, қайним Музаффаржонлардир. Айрим вақтларда уларнинг оилалари ҳам бирга боришган. Бу тўйларнинг деярли барчасида ҳам олим, ҳам шоир Содирхон ака Эркинов ўртани чиройли қилиб олиб борганлигини бахмалликлар кўп эслашади.

Бахмалдаги қавм-қариндошлар, ёру биродарлар бизнинг оилада бўладиган тўйларга ҳам кўпчилик бўлиб келишади. Улар қизимни узатганимда, ўғлимни уйлантирганимда, невара тўйларимда қатнашиб, ўтиришларга файз киритишган.

## БАХМАЛ ВА БАХМАЛЛИКЛАР ҲАҚИДА

Ўзбекистон ўзининг гўзал табиати, серунум водийлари, етиштираётган пахтаси, ширин-шакар мевалари, меъморлик обидалари, меҳнаткаш халқи билан машҳур. Ватанимиз 1991 йил 31 августда юртбошимиз раҳнамолигида мустақилликка эришгач, ўтказилган ва ўтказилаётган туб ислохотлар туфайли иқтисодиётимиз йил сайин ривож топмоқда. Мамлакатимизда кейинги йилларда барпо қилинган нефть-газ корхоналари, рангли металлургия корхоналари, Асакадаги автомобиль заводи, вилоятларда ташкил этилаётган қўшма корхоналар, пойтахтимизда қурилаётган муҳташам бинолар, бир-биридан чиройли кўчалар, кўприклар, вилоятларимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари – буларнинг ҳаммаси истиқлолимиз неъматидир. Бахмал ҳам Ўзбекистон аталмиш ана шу юртнинг ҳавоси тоза, табиати сулув, хўжалиги кўп тармоқли сўлим бир гўшаси. Ўсмак шаҳарчаси туман маркази бўлиб, унинг ўрта қисмида жойлашган. Ўсмакдан ғарбга қараб юрсангиз, тоғли Узунбулоқ ва Гулбулоқ воҳа зоналари орқали Самарқанд вилоятининг Булунғур ва Ургут туманларига чиқасиз. Шарққа қараб юрсангиз, Бахмалнинг гўзал табиатига, тоғларига, олмазору мевазорларига кириб борасиз. Тахминан 5–6 чақиримдан кейин Новқа қишлоғи ва Новқаота булоғига етасиз ва булоқ яратган ажойиб кўлчаларга, унда яйраб сузаётган балиқларга узоқ тикилмасдан иложингиз йўқ. Тумандаги энг катта Новқа қишлоғи аҳолиси шу булоқдан сув ичади. Новқадан кейин тоғ ёнбагирларида

жойлашган, бир-биридан чиройли Муғол, Водиган, Жўм-жўмга келасиз, кейин асл Бахмал қишлоқлари – Танга-топди, Сартюзи, Қирққишлоқ, Алдашмон ва бошқалар. Туманнинг охири Музбулоқ қишлоғи ва у деҳқончилик майдонлари билан Зоминга туташади.

Бахмал тумани хўжаликларида асосан чорвачилик, деҳқончилик ва богдорчилик ривож топган. Америкадан келтирилган машҳур Санта Гертруда моллари ҳам фақат Бахмал ҳавосига, табиатига мослашган. Ғалла лалми ерларда етиштирилади. Тоғолди зоналарининг ҳаммаси олмазор ва мевазорларга айлантирилган.

Ҳар бир жойнинг ўзи ардоқлаган, ҳурмат-эътиборга лойиқ кўрган одамлари бўлганидек, Бахмалда ҳам ана шундай кишилар кўп. Бу ерда ҳам ўзига хос тугма раҳбарлар, фидойи маърифатчилар, адибу зиёкорлар етишиб чиққан. Умрининг асосий қисмини хизмат тақозоси билан хорижда ўтказган ва кексайган чоғида ўз ватанига қайтишга рухсат берилган Баҳром Иброҳимов, қатагон йиллари қурбони бўлган адиб, журналист Анқабой Худойбаҳтовлар ҳам бахмаллик бўлган. Баҳром Иброҳимов Маҳмудбек Ойқорли номи билан хорижий шарқ мамлакатларида машҳур бўлган, ватанга қайтгач, Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида ишлаган ва шу йиллари биз бир-биримиз билан танишганмиз, кўп суҳбатлашганмиз. Анқабой Худойбаҳтов ҳақида эса журналист, тарихчи Х. Узоқов газетада катта мақола эълон қилган.

Бахмал туманида фидойи бир ўқитувчи бўларди. У киши кексайган чоғида ҳам бошланғич синфларга муаллимлик қилиб, туман марказида ўтадиган ўқитувчилар конференцияси, мажлисларида албатта қатнашарди. Отам билан қадрдонлиги туфайли бу кунлар бизникида меҳмон бўларди. У кишининг исми-шарифи Маматқул (Муҳаммадқул) Хўжанов эди. Мен талабалик йилларим таътилга чиққан вақтларимда у кишининг суҳбатини кўп

олганман. Домла ўта билимдон, эски китобларни билиб-гина қолмай, уларнинг мазмунини ёдда сақларди. Мен биринчи бор машҳур «Минг бир кеча» ҳикояларини, Нуҳ пайгамбар вақтидаги тўфон ривоятларини у кишидан эшитганман.



*2002 йил 8 май. Бахмалсой, ўнгдан: Ҳ. Бектемиров, Ш. Каримов, Азим Суюн ва ҳарбийлар.*

1957 йилда туманнинг тугатилиши туман халқи учун катта қийинчиликлар туғдирди. Битта ҳужжат учун одамлар юз чақирим йўл босиб Галлаоролга қатнади. Шунинг учун ҳам 13 йил танаффусдан кейин туман қайта ташкил қилиниб, одамларга катта қулайлик яратилди. Туманнинг номи ҳам исми жисмига монанд қилиб Бахмал деб аталди.

Бахмал туманига ўша давр қоидасига кўра комфирқанинг 1-котиблари раҳбарлик қилди. Унинг биринчи раҳбари этиб Холмўмин Мамараҳимов сайланди. Галлаоролда асли педагогликдан чиққан бу киши туманни ташкил этишдек оғир ташкилий вазифаларни бажарди. Бу кишидан кейин Эргаш Холматов туманга раҳбар қилиб сайланди. Эргаш Холматов туманимиз Қорақишлоқ

деб аталган даврда ҳам биринчи раҳбар бўлган эди. Арслон Ҳакимов эса туманга энг узоқ вақт раҳбар бўлди. Бу кишидан кейин Р. Ҳожиёв бирмунча вақт ишлади. Бахмаллик Ҳамза Аширқулов биринчи котиб бўлиб ишлаган даврда эса Ўзбекистонимиз мустақилликка эришди. Мустақиллигимиз туфайли Ўзбекистонда ҳокимлик тизими жорий этилиб, туманимизнинг дастлабки ҳокими бўлишдек шараф Ҳамза Аширқуловга насиб этди. Ҳамза Аширқуловдан кейин Холмамат Суёнов, Муса Анорбоевлар туман ҳокими бўлиб ишладилар. 2002 йил бошида Бахмал туманига ички ишлар соҳасида кўп йиллар хизмат қилган, Бахмал тумани ички ишлар бўлимида бошлиқ бўлиб, кейинги вақтда Жиззах вилояти ИИБда бошлиқ ўринбосари бўлиб ишлаган, ҳам ҳуқуқшунос, ҳам иқтисодчи мутахассислигига эга бўлган Маматқул Қаршибоев ҳоким қилиб тасдиқланди.

Ҳалол меҳнатлари билан туман иқтисодий ривожига ҳисса қўшган, ўзларидан кейин яхши ном, бог-роғлар қолдирган Абдуваит Усанов, Чориёр Пардаев, Рустам Аҳмедов, Жўлтой Бердиев, Туроб Сулаймонов, Яраш Пардаев, Холмамат Норчаев, Холмамат Абдурахмонов, Нусрат Абдураззоқов, Сулаймонхон Турсунов, Неъмат Назаровларни Бахмалда ҳамма ҳурмат билан эслайди.

Туман хўжаликлари, турли идораларда узоқ йиллар фидокорона меҳнат қилиб, ҳозирда пенсияга чиққан бўлишларига қарамай ўз маслаҳатлари, тажрибалари билан ёшларимизга кўмак бераётган Хидир Сулаймонов, Эшмурод Аҳмедов, Ислом Усмонов, Қизил Муҳаммадиев, Файзулла Неъматуллаев, Холмурод Расулов, Абдусамат Наримонов, Бошбек Хўжанов, Иброҳим Кўлиев, Сайфиддин Зиёдуллаев, Тиркаш Қўчқоров, Намоз Раҳмонов, Фарҳод Ўринов, Каромат Муҳаммадиева, Валентина Ҳайдароваларнинг хануз туман кишилари орасида обрў-эътибори катта.



Туманда олий маълумотли кўпгина ўқитувчилар етишиб чиқди. Уларнинг бир қисми туман маркази Ўснатдаги ўрта мактабда ёшларга таълим бердилар. Бу мактабда узоқ йиллар ишлаган Ислон Усмонов, Мусулмон Бўтаев, Оллоберган Холмуродов, Исмат Қорабеков, Нормамат Олимов, Дониёр Ҳайдаровлар ўқувчиларга илм бериш билан бирга уларнинг қалбига нур, зиё олиб кирган. Шу мактабда умр бўйи ўқитувчилик қилган ва Оллоҳнинг иродасини бажариб, бу дунёдан ўтган Абирқул Абдуллаев, Яхшилик Абдурахмонов, Маҳмуд Тошбеков, Раҳим Шовалиев, Сайфиддин Пиримқуловлар ўзларидан кейин яхши хотира, шогирдлар қолдириб кетдилар. Жарбулоқ қишлоғи ҳудудидаги ўрта мактабда эса Қозоқбой Остонов узоқ йиллик ибратли меҳнати туфайли Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи унвонига сазовор бўлди. Бу илм маскани шу ерда узоқ йиллар ишлаган Карим Иброҳимов номи билан аталади.

Шўролар даврининг оғир зуғумини тортган ва ҳамиша ўз эътиқодига содиқ қолган Гаффор Махсум ҳожи бугунги кунда диний уламо сифатида нафақат Вахмал туманидаги, балки вилоятда ўтадиган барча тадбирларга қатнашиб, файз киритмоқда. Бу эса истиқлолимиз туфайли диний эътиқод, ислом дини арконларининг эмин-эркин бажарилаётганлигидан далолатдир.

Катта ҳудуддаги улкан ҳажмли вазифалар ижросини таъминлаш, тумандаги маънавий-маърифий ишларни миллий истиқлол гоёси ва миллий мафкурамиз талабларига мос равишда олиб боришдек муҳим ишлар туман ҳокими ва ҳокимликнинг мўъжазгина девонида хизмат қилаётган Мамарасул Бобобеков, Бўрибой Тошпўлатов, Шарофиддин Каримов, Васида Алимова, Мурод Тўйчиев, Қаҳрамон Бектемировлар зиммасига юклатилган. Бу ишлар туман хўжаликлари, идора ва ташкилотлари раҳбарлари билан яқин ҳамкорликда бамаслаҳат олиб борилмоқда. Туман

хўжаликлари ва ташкилотларида ишнинг кўзини яхши биладиган, катта тажрибага эга бўлган Ҳамза Аширқулов, Абдухалил Абдувалиев, Худойберди Боймуродов, Абдуазизхон Зикриёев, Сафарали Рустамов, Абдуалим Гулмуродовлар сингари раҳбарлар билан ёнма-ён ишлаётган Олломурад Абдуллаев, Тўйлибой Солиев, Салоҳиддин Умрзоқов, Собир Муҳаммадиев каби куч-гайратга тўлган ёшлар меҳнат қилмоқда.

Ҳозирги вақтда республикамизнинг турли жойларида ишлаётган бахмаллик кадрларни кўп учрата-сиз. Уларнинг бир қисми узоқ йиллар ишлаб, пенсияга чиққан бўлса, бир қисми мамлакатимиз равнақи йўлида фаолият кўрсатмоқда. Холмат Жалилов (хуқуқшунос, Тошкент), Тўра Сулаймон (Ўзбекистон халқ шоири, Гулистон), Холмўмин Шукуров (халқ ўқитувчиси, Шароф Рашидов тумани), Юнус Сатторов (иқтисодчи, Жиззах), Абдугани Ҳаққулов (хуқуқшунос, Галлаорол фахрийлар кенгаши раиси), Гайбулла Жўлбеков (алоқа соҳаси, Галлаорол), Анвар Умаров (Булунгур) ўз соҳалари бўйича ҳалол меҳнат қилиб, фахрийлар сафига ўтган. Республикамининг турли шаҳар ва туманларида ҳозирда меҳнат қилаётган бахмалликлар ҳам анча-мунча. Профессор Шерқул Шодмонов Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 1-проректори вазифасида, машҳур жарроҳ профессор Исомиддин Рустамов Самарқанд тиббиёт институтида профессор бўлиб хизмат қилмоқда. Профессор Мамаюнус Пардаев Самарқанд вилоят маънавият ва маърифат кенгашини бошқармоқда, Саидахмад Мирзабеков Жиззах вилоят халқ таълими бошқармасига, Ислом Хўшиев Жиззах вилоят фахрийлар кенгашига раҳбарлик қилмоқда. Отамурод Маҳатмуродов Ўзбекистон Божхона қўмитасида хизмат қилмоқда. Профессорлар Худойберган Жўраев, Умрзоқ Жуманазаров, Олимжон Жўраевлар Жиззах педагогика институтида, доцент Холмўмин

Мамараҳимов Самарқанд давлат университетиди, доцент Абдумалик Бектемиров Самарқанд архитектура-қурилиш институтида кафедра мудирини бўлиб ишламоқда. Ёшларимиздан Банк-молия академиясининг кафедра мудирини доцент Абдуғофур Иброҳимов яқинда докторлик диссертациясини ёқлади, география фанлари номзоди Зулхумор Абдусаидова Миллий университетда ўқитувчилик қилмоқда, журналист Ҳусанбой Эрматов эса Ўзбекистон телерадиокомпанияси Жиззах вилоят бошқармаси раҳбаридир.

Бахмал тумани раҳбарияти кишиларни руҳлантирадиган, туман аҳли маънавияти ва ватанпарварлик туйғусини оширишга қаратилган, ёшларнинг ўз-лигимизни, қадриятларимизни англаш ҳиссини янада чуқурлаштирадиган турли тадбирларни ўтказмоқда. 2002 йилги Наврўз байрами айниқса чиройли бўлди. Унга Жиззахдан, Самарқанддан, Тошкентдан, қўшни туманлардан кўплаб меҳмонлар таклиф этилди. Илгари туманга раҳбарлик қилганларнинг ҳам бир қанчаси бу тадбирда иштирок этди.

Хотира ва қадрлаш куни 9 май арафасида бўлиб ўтган тадбир эса кишилар қалбида узоқ сақланади. Бу тадбир Бахмал тоғларининг ичкарасидаги Бахмалсой деган жойда бўлиб ўтди. Сурхондарёнинг Сарийосиё ва Узун туманларида мамлакатимиз ҳудудига кирган террорчиларга қарши курашда мардларча ҳалок бўлган 17 нафар ўзбек йигити хотирасига ана шу гўзал тоғ бағридаги майдонда ёдгорлик мажмуи ўрнатилди. Гап шундаки, террорчиларга қарши курашда қурбон бўлган 17 йигит хизмат қилган бўлинма ҳозир ватанимизнинг чегараларини мустаҳкамлаш учун Бахмал тоғлари чегараларида хизмат қилмоқда ва ўзларининг марҳум хизматдошларини ёдда сақлаш учун ёдгорликни ўзлари хизмат қиладиган жойга қўйишни сўраганлар.

Бу ёдгорликни барпо этиш ишларига Жиззах вилояти ҳокимлиги, Бахмал тумани ҳокимлиги бош-қош бўлди. 2002 йил 8 май. Ёдгорликнинг очилиш маросими. Бахмал туманининг уруш ва меҳнат фахрийлари, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар, террорчиларга қарши курашда ҳалок бўлган йигитларнинг ота-оналари, қариндош-уруглари жам бўлган. Тошкентдан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги вакиллари, Жиззахдан вилоят бошқармалари бошлиқлари – ҳаммаси Жиззах вилоят ҳокими У. Яманқулов бошчилигида майдонга кириб келишди. Маросимни вилоят ҳокими У. Яманқулов кириш сўзи билан очди ва ватан озодлиги учун мардлик, жасорат кўрсатиб ҳалок бўлган йигитлар ота-оналарига миннатдорчилик билдирди. Уларга туман ҳокими М. Қаршибоев билан биргаликда эсдалик совғаларини топширишди. Кейин Мудофаа вазирлиги генерали, шунингдек, шоир Азим Суюн ва бошқалар гапиришди. Гап навбати ҳалок бўлган йигитлар ота-оналарига келганда, ҳеч ким бефарқ туrolмади, ҳамманинг кўзлари ёшланди. Сўзга чиққан ота-оналар ватанимиз мустақиллиги, озодлигининг абадийлигини тилаб, бу тадбирни аъло даражада ташкил этганлиги, умрбоқий ёдгорлик қурилганлиги учун Жиззах вилояти ҳокимига, Бахмал тумани ҳокимига миннатдорлик сўзларини айтдилар. Кейин тасмалар кесилиб, ёдгорлик зиёрат қилинди, келганларга ош тортилди.

Тошкентдан мен, ҳайдовчимиз Ботиржон ва неварам Сарваржон билан бу тадбирга қатнашиш учун бир кун олдин келиб, «Бахмал» ширкат хўжалигида бўлдик. Эртаси куни тадбирда қатнашдик. Шундан кейин Музбулоқ қишлоғидаги қадрдонимиз Сафарали Рустамов таклифига биноан унинг хонадонида меҳмон бўлдик. Биз билан туман ҳокимлиги масъул ходими Гулбой Алматов ҳам бирга бўлди. Ўша куни кечга яқин хонадон соҳиби бошчи-

лигида Ғўралас қўриқхонаси ҳудудига чиқдик, гўнаил табиатни томоша қилдик, чой қайнатиб, тоғ гиёҳларидан дамлаб ичдик. Эртасига 9 май куни нонуштадан сўнг Ўсмаатга жўнадик. Йўлда тоғ бағрида жойлашган Ўсмаат жўм қишлоғидаги жиянларимиз Пиримқул ва Ойсафарлар хонадонидан икки соат меҳмон бўлиб, Ўсмаатга — укам Қаҳрамонникига келдик. Ўша куни кечга томон Тошкентга қайтдик.



## ХОТИМА ЎРНИДА

**М**ен анча-мунча эсдаликларни ўқиганман. Шунинг учун менда ҳам хотиралар ёзиш нияти пайдо бўлган. Бундан 5–6 йил олдин ёзишга уриниб ҳам кўрганман, лекин чиқмаган, ёзолмаганман.

Баъзилар эсдалик ҳақида беписандлик билан гапирадилар. Ҳамма ҳам эсдалик ёзиб ташлаши мумкин, лекин унинг кимга кераги бор, дейдиганлар ҳам учрайди. Бу фикрга қўшилиш ҳам, қўшилмаслик ҳам мумкин. Чунки ҳар бир инсоннинг ўзига яраша эсдаликлари бўлади. Лекин уни қогозга тушириш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Агар ҳамманинг қўлидан келганда, дунёни эсдалик босиб кетарди, бироқ бундай эмаску. Демак эсдалик ёзиш қийин жараён. Уни эслаб юриш осон, ёзиш эса мураккаб, гап худди ана шунда. Лекин яна бир нарса: эсда қолган ҳар бир нарсани ҳам эсдалик сифатида такдим этиб бўлмайди, эсдаликларда кўпчиликка ибрат бўла оладиган воқеалар, турмуш сабоқлари бўлиши лозим.

Эсдалик аввало шуурда пайдо бўлиб, миёда пишади. Унинг ҳамма деталлари ўйланади, ёддан кўтарилган айрим воқеаларнинг аниқ тафсилоти бир вақтлар ёзилиб, саргайиб кетган варақчалардан топилади. Хуллас, ўйлайсиз, бир нарсаларни титкилайсиз. Одамда ёшлиқдан то кексайгунга қадар озмунча эсдалик бўладими? Унинг ҳаммасини қогозга тушириб бўлмайди. Шунинг учун ўз эсдаликларингизни ҳам танлайсиз. Кейин қаламингиз чархланган бўлса бас, ёзасиз, ёзганда ҳам қуйилиб ке-

лаётган фикрлар сизни пошириб қўяди. Ана ўшанда энди пишибман, деб ўйлайсиз. Энди хотиралар сизни ёзиб тугатмагунингизча тинч қўймайди, уйқудан ҳаловат кетади, ўйчан бир кимсага айланиб қоласиз. Мен ҳам баҳоли қудрат ўз эсдаликларимни ёздим. Уни китоб қилиб чиқаришим шарт эмас. Фарзандларим, невараларим, қариндош-уруғларимга қўлёзмадан бир нусхадан берсам ҳам ниятимга етган бўламан.

*2002 йил октябрь-ноябрь. Тошкент-Бахмал.*





## МУНДАРИЖА

Муаллиф ҳақида.....	3
Болалик кунларимда.....	4
Орзулар қанотида .....	23
Катта ҳаёт йўлларида.....	34
Бахмал ва бахмалликлар ҳақида .....	61
Хотима ўрнида .....	70



